БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 229 (720)

21 НОЯБРЬ ЧОРШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Ҳосилни теришда далалар ва йўлларда нобудгарчиликка йўл қўйиш пахта тайёрлашдаги катта офатдир. Пахта нобудгарчилигига тоқат қилиш мумкин эмас! Халқ мақолида айтилганидек: „Тома-тома кўл бўлур". Шуни эсда тутингизки, килограмм граммлардан йиғилади, тонналар граммлардан ҳосил бўлади! Пахта—ўлкамиз бойлигидир, пахта—халқимиз нонидир. Йўлга тушиб ётган пахтани ердан олмаган, ҳар бир тола пахтани кўз қорачиғидай азиз билмаган кишини инсофли деб бўладими!

(Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Олий Совети Президиумининг Мурожаатидан).

Партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилига пухта тайёрланайлик

Коммунистик партия кадрларни ғоявий-назарий жиҳатдан тарбиялаш, уларни марксизм-ленинизм революцион назарияси, ижтимоий тараққиёт қонунлари билими билан қуроллантиришга ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда. Шу билан бирга кейинги вақтларда коммунистик қурилишнинг амалий вазифалари илгари сураётган катта талаблар кадрларимиз олдига иқтисодий билимларни, айниқса саноат ва қишлоқ хўжалиги конкрет экономикасини ҳар томонлама чуқур ўрганиш масаласини қатъий қилиб қўймоқда. Ана шу талабларга тўғри тушуниб етилган жойларда кўпгина партия ташкилотлари партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Чирчиқ шаҳар партия ташкилотининг бу соҳадаги иши айниқса диққатга сазовордир. Бу ерда коммунистларнинг асосий кўпчилиги билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг хилма-хил талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинди. Коммунистлар ва партиясиз активлар билан ўтказилган суҳбатлар уларда айниқса иқтисодий назарияни ва конкрет экономикани ўрганишга қизиқиш катта эканлигини кўрсатди. Шу муносабат билан шаҳар корхоналари ва муассасаларида марксча-ленинча философия асосларини, КПСС тарихини, сиёсий иқтисодни, саноат корхоналарининг конкрет экономикасини ўрганиш тўгараклари ва семинарлари ташкил этилди. Шаҳар партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари ўтган ўқув йилида йўл қўйилган камчиликларни ҳисобга олиб, бу йил тўгараклларнинг у ёки бу турини танлашда ихтиёрийлик принципига тўла риоя қилмоқдалар. Шаҳар партия кутубхонаси марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганувчилар учун циклли лекциялар, семинарлар ва назарий конференциялар планини тузиб, тавсия этилган адабиётлар рўйхатини олиб чиқди. Шунингдек пропагандистларни танлаш ва тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Назарий жиҳатдан кўпроқ тайёрланган, партия ва хўжалик ишларида амалий тажрибага эга бўлган коммунистлар ҳамда мутахассислардан 140 киши тўгарак ва семинарларда машғулот ўтказишга жалб қилинади.

Оҳангарон шаҳар, Бўстонлиқ, Сирдарё, Мирзачўл ва Паркент район партия ташкилотлари ҳам янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Бироқ областимиздаги айрим шаҳар ва район партия ташкилотлари, жумладан Чиноз район партия комитети партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаётир. Районда шу вақтга қадар тўгарак ва семинарлар белгиланган миқдорда ташкил этилмаган, уларга ўқувчилар етарли жалб этилмаган, пропагандист кадрлар эса тўлиқ танланмаган. Иқтисодий жиҳатдан салмоқли ўрин тутган шундай катта бир районда қишлоқ хўжалик экономикасини ўрганиш бўйича битта ва саноат экономикасини ўрганиш бўйича битта тўгарак ташкил этилган, холос. Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими (мудири ўртоқ Рустамов)нинг янги ўқув йилига тайёргарлик юзасидан қаерда қандай иш олиб борилаётгани ва қайси типда қанча тўгарак ташкил этилганидан яхши хабардор эмаслиги жуда ажабланарлик бир ҳолдир.

КПСС XX съезди кадрларимиз олдига, барча коммунистлар олдига хўжалик қурилишига конкрет ва оператив раҳбарлик қилиш вазифасини қўйди. Бу эса кадрларимизни марксча-ленинча дунё қараш руҳида, коммунистик ғоявийлик руҳида, назарияни ўрганишга ижодий муносабатда бўлиш руҳида, буржуа идеологиясининг кўринишларига қарши шафқатсиз кураш олиб бориш руҳида тарбиялашни талаб этади.

Партия ташкилотларининг ҳозирги кундаги энг муҳим ва асосий вазифаси — партия маорифи шохобчаларида сиёсий ўқишни зўр ўюшқоқлик билан бошлаб юбориш учун янги ўқув йилини ҳартомонлама пухта тайёргарлик кўриш билан кутиб олишдан иборат.

Ҳозирги вақтда партия маорифи шохобчалари коммунистларнинг истак ва талабларига мувофиқ тузилмоқда. Янги ўқув йилида минимум даражада сиёсий билимга эга бўлмаган коммунистлар учун сиёсий мактаблар, кундалик сиёсатни ўрганиш тўгараклари, шунингдек марксча-ленинча философия асосларини, КПСС тарихини, сиёсий иқтисодни ўрганиш, олтинчи беш йиллик проблемалари ва ишлаб чиқаришнинг конкрет экономикасини ўрганиш тўгараклари ёки семинарлари ташкил этилади.

Партия маорифи шохобчаларини ташкил этганда партия ташкилотлари шаблонга йўл қўймасликлари лозим. Тўгарак машғулотлари планини тузганда ҳозирги замон билан бевосита боғлиқ бўлган ва коммунистларни ғоят қизиқтирадиган темаларни ўрганишга, партиямизнинг Октябрь революциясидан кейинги даврдаги фаолиятини ёритишга кўпроқ вақт ажратилиши, КПСС XX съезди қарорлари ҳамда материалларини чуқур ўрганишга айниқса зўр эътибор берилиши керак. Район ва шаҳар партия комитетлари олдида ҳамда йирик корхоналар, колхозлар ва МТС партия ташкилотлари ҳузурида пропагандистларнинг семинарларини ташкил этиш, тажриба алмаштириш юзасидан пропагандистларнинг кенгашларини ўтказиб туриш, шунингдек корхона, колхоз, совхоз ва МТСларнинг экономикасига доир актуал масалаларни муҳокама қилишга бағишланган иқтисодий конференциялар ўтказиш мақсадга мувофиқдир:

Марксизм-ленинизмни ўрганиш ва пропаганда қилиш соҳасидаги ишларни ҳар қандай йўл билан бўшаштиришга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ўтган ўқув йилларида партия аъзоларидан бир қисми, шу жумладан айрим раҳбар ходимлар ҳам «ихтиёрийлик» деган гапларни баҳона қилиб, ўз сиёсий билимларини ошириш билан шуғулланмай қўйганлар. Партия ташкилотлари янги ўқув йилида нормал бўлмаган бу аҳволнинг олдини олишлари керак. Шунингдек, мустақил ўрганувчиларни ўтган йиллардагидек ўз ҳолига ташлаб қўйиш асло мумкин эмас.

Партия пропагандаси ҳозирги вақтда партиямиз томонидан ҳал этилаётган конкрет вазифалар билан маҳкам боғлаб олиб борилгандагина, пропагандист кадрлар тўғри танланиб, тўгарак машғулотлари жонли фикр олишув ва ўртоқларча мунозара билан ўтгандагина назарияни ўрганишга ҳавас кучаяди. Аммо сиёсий ўқиш коммунистлар ва партиясиз активлар учун расмий мажбуриятни ўташга айланиб кетмаслиги керак.

Партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилининг бошланишига саноқли кунлар қолди. Бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни ўз вақтида узил-кесил тугатиб, партия ўқувига пухта тайёргарлик билан киришайлик.

БРЕСТДАН ТЕЛЕГРАММА

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари

ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВГА

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

ўртоқ К. Е. ВОРОШИЛОВГА

СССР Министрлар Советининг Раиси

ўртоқ Н. А. БУЛГАНИНГА

Меҳмондўст мамлакатингиздан жўнаб кета туриб, сиз ҳурматли ва азиз ўртоқларга ҳамда сизлар орқали КПСС Марказий Комитетига ва Совет Ҳукуматига қизғин салом йўллаймиз ва бизнинг самимий ва дўстона кутиб олинганлигимиз учун ташаккур ҳисларимизни билдирамиз. Биз аминмизки, визитимизнинг натижалари қардошларча дўстликни ва поляк-совет ҳамкорлигини кучайтиришга, Польша билан Совет Иттифоқини бирлаштириб турган иттифоқни мустаҳкамлашга, шунингдек тинчлик ва халқаро хавфсизлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган социалистик давлатлар лагерининг жипслигини кучайтиришга анча ёрдам беради.

Ишасин поляк халқи билан Совет Иттифоқи халқи ўртасидаги дўстлик ва қардошлик.

Польша Бирлашган Ишчи Партияси Марказий Комитети ва Польша Халқ Республикаси Ҳукуматининг Делегацияси

Владислав ГОМУЛКА
Александр ЗАВАДСКИЙ
Юзеф ЦИРАНКЕВИЧ
Стефан ЕНДРИХОВСКИЙ

1956 йил 19 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Денов район партия комитети бюросининг давлатга пахта топшириш юзасидан олинган қўшимча мажбуриятни бажаришга масъулиятсизлик билан қараганлиги тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети қайд қилдики, Денов район партия комитети ва райондаги барча партия ташкилотлари колхозчиларни, МТС ва «Ҳазорбоғ» совхози ишчиларини пахтадан юқори ҳосил етиштиришга сафарбар этиш соҳасида катта иш қилдилар.

Денов райони республикада биринчилардан бўлиб, олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилганлиги ва давлатга 57 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта топширилганлиги ёки ҳар гектар ердан 33,4 центнердан ҳосил олинганлигини маълум қилди ҳамда давлатга қўшимча равишда 4500 тонна пахта териб топшириш мажбуриятини олди.

Бироқ, Денов район партия комитети (райком секретарлари Ҳайдаров ва Филипчук ўртоқлар) ва район ижроия комитети (раиси ўртоқ Азимов) пахта топшириш юзасидан социалистик мажбуриятнинг бажарилганлиги тўғрисида ахборот топширганларидан кейин район колхозларида пахта териш ва тайёрлаш ишига раҳбарлик қилмай қўйдилар ва ҳақиқатда олинган қўшимча мажбуриятнинг бажарилишига ва ўзларининг партия ҳамда давлат олдидаги бурчларига партиявий муносабатда бўлмадилар.

13 ноябрдан 18 ноябргача район колхозлари ва «Ҳазорбоғ» совхози давлатга атиги 834 тонна ёки мажбурият бажарилишига қадар районда тахминан бир кунда тайёрланган миқдорда пахта топширдилар.

Хрушчев номли колхоз мажбуриятни бажаришга қадар давлатга кунига 50 тоннага етказиб пахта топширган бўлса, мажбурият бажарилгандан кейин 15-20 тоннага тушиб қолди. Ворошилов номли колхоз мажбурият бажарилганга қадар кунига камида 18-20 тонна пахта топширар эди, мажбурият бажарилгандан кейин эса топширишни 2,5 тоннагача камайтириб юборди. «8-март» колхози 30 тонна ўрнига 6-8 тонна пахта топширмоқда.

Буларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, Денов район партия комитети ва унинг секретарлари Ҳайдаров билан Филипчук ўртоқлар, район ижроия комитети ва унинг раиси ўртоқ Азимов, райондаги айрим колхозларнинг раҳбарлари сиёсий жиҳатдан етук эмас эканликларини кўрсатдилар, фақат мажбуриятни тўла бажариш билан чегараланиб, район меҳнаткашларини етиштирилган бутун ҳосилни тезроқ териб олишга сафарбар этмадилар, бу йил давлатга камида 3 миллион тонна пахта топшириш юзасидан республиканинг Ватан олдидаги интернационал бурчини адо этиш ишидаги ўз масъулиятлари ва ролларини тушунмадилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети **қарор қилди:**

1. Район томонидан олинган мажбурият бажарилгандан кейин пахта териш ва давлатга топширишни бўшаштириб юборган ва ўз ҳолига ташлаб қўйган Денов район партия комитети ва район ижроия комитети раҳбарларининг хатти-ҳаракати нотўғри хатти-ҳаракат сифатида қораласин.

Денов район партия комитетидан ва унинг секретарлари Ҳайдаров билан Филипчук ўртоқлардан, район ижроия комитети ва унинг раиси ўртоқ Азимовдан, МТС, колхоз ва «Ҳазорбоғ» совхози раҳбарларидан район колхозлари ва совхозининг давлатга пахта топшириш юзасидан олинган қўшимча мажбуриятни бажаришга партиявий муносабатда бўлмаслик ҳолларига барҳам бериш, яқин кунлар ичида бутун ҳосилни тўла териб олиб, давлатга топшириш ҳамда олинган қўшимча мажбуриятни бажариш учун далада ишни қизғин ташкил этиш талаб қилинсин.

Ҳайдаров, Филипчук ва Азимов ўртоқлар огоҳлантирилсинларки, агар улар пахта териш ва давлатга топшириш соҳасидаги аҳволни дарҳол тузатмасалар, Марказий Комитет уларга нисбатан ташкилий хулоса чиқаришга мажбур бўлади.

2. Денов район партия комитетига колхозларда ва «Ҳазорбоғ» совхозида пахта териш ва тайёрлашнинг аҳволини колхозларда, совхозда ва МТС партия йиғилишларида муҳокама қилиб чиқишни ташкил этиш ҳамда пахта териш ва давлатга топшириш суръатини кучайтириш мажбурияти юклатилсин.

3. Денов район партия комитети, район ижроия комитети, МТС, колхоз ва «Ҳазорбоғ» совхози раҳбарларидан пахта нобудгарчилигига ва уни моллар пайхон қилишига қарши жуда кескин кураш олиб бориб, пахта нобудгарчилигига йўл қўяётган раҳбарларни қаттиқ жавобгарликка тортиш талаб қилинсин.

4. Ўзбекистон КП Марказий Комитети барча район партия комитетларида ва район ижроия комитетларини огоҳлантирадики, Денов район партия комитети ва район ижроия комитетининг иш практикасида содир бўлган хатоларнинг такрорланишига йўл қўйиб бўлмайди ва барча партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларидан, колхоз, совхоз ва МТСларнинг раҳбарларидан барча партия ташкилотларини, колхозчиларни, МТС ва совхозларнинг ишчиларини ҳар бир колхоз, совхоз, район ва область олган социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилиши учун сафарбар этишни таъминлаш ҳамда етиштирилган бутун ҳосилни териб олиб давлатга топширишни талаб этади.

ПОЛЬША БИРЛАШГАН ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ СОВЕТ ИТТИФОҚИДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

БРЕСТ, 19 ноябрь. (ТАСС). Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий комитети ва Польша Халқ Республикаси Ҳукуматининг делегацияси бугун Брестда бир оз вақт тўхталиб, соат 15 дан 20 минут ўтганда махсус поезд билан ватанига жўнаб кетди.

Брест вокзалида делегацияни СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. С. Патоличев, Польша Халқ Республикасининг СССРдаги мувакқат ишлар вакили Ю. Банак, Брест область партия комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, Брест область партия комитетининг секретари О. С. Громова, Брест область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари М. Е. Криштофович, Брест шаҳар ижроия комитетининг раиси И. М. Драгун, Брест шаҳар партия комитетининг биринчи секретари И. И. Сиротов ва бошқалар кузатиб қолдилар.

Вокзал Польша Халқ Республикаси, СССР ва Белоруссия ССР давлат байроқлари билан безатилган эди.

Меҳмонларни кузатиш вақтида фахрий қоровул саф тортиб турди ҳамда Польша Халқ Республикаси, СССР ва Белоруссия ССР давлат гимнлари ижро этилди.

Ўзбекистон КП Мирзачўл район комитети ва район ижроия комитетига

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Мирзачўл район колхозчиларини, МТС ходимларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия, совет ва комсомол ходимларини давлатга пахта топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарганликлари билан табриклайдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қониқиш билан қайд қиладиларки, районнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XX съезди қарорларини амалга ошираборий, пахта етиштиришни кўпайтиришда катта муваффақиятларга эришдилар ва Ўрта Осиё Политехника институти студентлари ва Тошкент шаҳар Фрунзе район меҳнаткашларининг актив ёрдами билан 1956 йил 19 ноябрда давлатга 28305 тонна пахта топширдилар. Бу, ўтган йил ҳамма топширилган пахтадан 3900 тонна кўпдир, район бўйича 11763 гектар ернинг ҳар гектаридан 24 центнердан ҳосил олинди.

Район колхозчилари бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш планларини ҳам муддатидан илгари бажардилар. Чунончи, ғалла (шолидан ташқари) 114 процент, тухум 128,7 процент, жун 105,5 процент, тери 125 процент, қорақўй тери 108 процент, пилла топшириш 105 процент бажаридi.

Район пахтакорлари давлатга қўшимча 1700 тонна ёки ҳар гектаридан 1,4 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишонч билдирадиларки, Мирзачўл район колхозчилари, МТС ва Булганин номли совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия, совет ва комсомол ташкилотлари қисқа вақт ичида барча ҳосилни йиғиб-териб оладилар, энг муҳим маҳсулот — гўшт, сут ва шоли топшириш планларини бажаришни таъминлайдилар, кузги шудгорни ўз вақтида тугаллайдилар, чорва қишловини намунали ўтказадилар ҳамда пахта ҳосилини ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бундан буён янада кўпайтириш учун астойдил курашадилар, Мирзачўлни ўзлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари учун қуйидагилар область **Хурмат тахтасига** ёзиладилар:

№№	Звено, бригада ва совхозларнинг бўлимлари	Звено, бригада ва бўлим бошлиқларининг исми, фамилияси	Социалистик мажбуриятнинг бажарилиши (гектаридан центнер ҳисобида)	Қўшимча олган мажбурияти
	СИРДАРЁ РАЙОНИ			
1.	Сталин номли колхознинг бригадаси	Тўйчиев Оқбола	33	8
2.	Сталин номли колхознинг звеноси	Умаров Ихлос	36	20
3.	«XVIII партконференция» колхозининг бригадаси	Дурсунов Фаик	31	2
4.	«XVIII партконференция» колхозининг бригадаси	Мелбўриев Хўжаахмад	28	2
5.	Охунбобоев номли колхознинг бригадаси	Назаров Тоғай	37,7	2,5
6.	Охунбобоев номли колхознинг бригадаси	Холиқов Ибот	36,9	3,5
	ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ			
1.	Сталин номли колхознинг бригадаси	Бобокалонов Орип	38	5
2.	Сталин номли колхознинг бригадаси	Тўлаганов Иўлдош	37,5	3
3.	Киров номли колхознинг бригадаси	Усмонов Иўлдош	40	4
4.	Киров номли колхознинг бригадаси	Раҳимов Қурвон	39	5
5.	Киров номли колхознинг звеноси	Акбаров Мурод	38	4
6.	Киров номли колхознинг звеноси	Авлиёхўжаев Пўлатхўжа	40	5
7.	Киров номли колхознинг звеноси	Абдуллаева Лутфи	40	3
	ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ			
1.	Андреев номли колхознинг бригадаси	Мирзалиев Султонбой	35,5	4,5
2.	Андреев номли колхознинг бригадаси	Имомов Нурмат	34,4	3,0
3.	Сталин номли колхознинг бригадаси	Сеитқулов Серинбой	35,0	3
4.	«Париж коммунаси» колхозининг бригадаси	Шерматов Хўжаахмад	26,2	2,8

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1956 йил 20 ноябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Бўстонлиқ	1,08	112,12	Верхне-волинск	0,34	96,26
Оржоникидзе	0,29	109,46	Калинин	1,06	94,57
Пискент	0,49	109,32	Оҳангарон	0,47	92,40
Юқори Чирчиқ	0,61	108,65	Қуйи Чирчиқ	0,35	91,86
Ўртасарой	0,41	104,43	Янгийўл	0,30	91,15
Сирдарё	0,29	102,43	Чиноз	0,30	91,14
Мирзачўл	0,36	100,03	Бекобод	0,62	90,86
Октябрь	0,48	98,74	Оққўрғон	0,39	90,48
Бўка	0,36	98,33	Боёвут	0,40	87,51
Гулистон	0,25	97,42	Ўрта Чирчиқ	0,59	86,93

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1956 йил 20 ноябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
«Малик»	0,11	100,42	4-«Вревский»	0,88	78,42
6-«Кўкорол»	0,49	92,28	1-«Далварзин»	0,47	78,27
«ЎзССР беш йиллиги»	0,35	91,86	4-«Боёвут»	0,37	77,83
2-«Далварзин»	0,85	90,78	«Дружба»	—	60,76
3-«Боёвут»	0,44	89,04	1-«Фарҳод»	0,11	59,04
1-«Боёвут»	0,58	85,31	Булганин номли	0,10	58,28
«Оққўрғон»	0,56	83,16	Бушуев номли	0,42	57,50



Суратда: Тошкентдаги театр майдони ва Навоий номли ўзбек давлат опера ва балет театри биносининг кўриниши. Л. Доренский фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Янги ўқув йилига пухта тайёрланмоқдалар

Бекобод шаҳри областимизнинг йирик саноат марказларидан бири ҳисобланади. Республикамиз металлургия саноатининг тўнғич корхонаси — В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи, Фарҳод гидроэлектростанцияси, Хильково цемент заводи, асботруба заводи каби корхоналар шу ерда жойлашган. Шаҳар саноати йил сайин юксалмоқда. Корхоналарнинг коллективлари КПСС XX съезди қарорларини амалга ошириш учун курашиб, техника прогрессини ривожлантириш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш соҳаларида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Бу соҳада коммунистлар, шунингдек корхоналарда ишлаётган кўп сонли партиясиз инженер-техник ходимларнинг иқтисодий билимини ошириш, уларга саноат корхоналарининг конкрет экономикасини, партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини ўргатиш юзасидан партия ташкилотлари томонидан кўрилаётган тадбирлар ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Ўтган йили Ўзбекистон металлургия заводида ташкил этилган сиёсий иқтисодни ўрганиш тўгараги ва саноат конкрет экономикасини ўрганиш семинарида коммунистлар ва ўнларча партиясиз инженер-техник ходимлар ўзларининг иқтисодий билимларини оширган эдилар. Завод партия ташкилоти коммунистларнинг хоҳишини ҳисобга олиб, бу йил яна сиёсий иқтисодни (социализм қисми) ўрганиш тўгараги ва саноат конкрет экономикасини ўрганиш семинарини ташкил этди.

Шунингдек, бу йил Фарҳод гидроэлектростанциясида сиёсий иқтисодни ўрганиш тўгараги, цемент ва асботруба заводларида саноат конкрет экономикасини, 704-УНРда қурилиш ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабида қишлоқ хўжалиги конкрет экономикасини ўрганиш семинарлари ташкил этилади.

Бундан ташқари, бу йил шаҳарда болаларни коммунистик руҳда тарбиялаш темасида иш кўрадиган уч семинар, КПСС тарихини ўрганиш юзасидан уч тўгарак ва жорий сиёсатни ўрганиш юзасидан 6 тўгарак ташкил қилинмоқда. Коммунист ва партиясиз активлардан 50 га яқин киши марксча-ленинча назарияни мустақил равишда ўрганишни, ўнларча кишилар олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида, кечки мактабларда ўқишни давом эттирадилар.

Шаҳар партия комитети ҳузурида экономикани ўрганиш юзасидан икки йиллик мактаб ташкил этилади. Тўгараклар, айниқса сиёсий иқтисодни ўрганиш тўгараклари ва конкрет экономикани ўрганиш семинарлари учун тажрибали ҳамда юқори малакали инженер-техник ходимлардан пропагандист ва раҳбарлар тайинланди, улардан 17 киши Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Тошкент область партия комитети ҳузурида очилган пропагандистлар тайёрлаш курсларида ўқиб келдилар. Шаҳар партия комитети ва Ўзбекистон металлургия заводи партия ташкилоти ҳузуридаги партия маорифи уйлари назарияни мустақил ўрганувчилар учун алоҳида консультантлар ажратдилар.

Х. АБДУСАМАТОВ.

Иқтисодий билимларни чуқур ўрганайлик

Каганович номли Тошкент паровоз-вагон ремонт заводи партия ташкилоти партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилини муваффақиятли бошлаш учун катта тайёргарлик ишларини олиб бораётир.

Коммунистлар ўртасида саноат конкрет экономикасини ўрганишга бўлган қизиқиш бу йил янада ошганлиги сезилмоқда. Партия ташкилоти илгари оддий ишчи бўлиб, ўтган ўқув йилида конкрет экономикани ўрганиш тўгарагини муваффақиятли тамомлагач бригада бошлиғи бўлиб ишлаётган М. Карташкин, иккинчи механика цехининг мастери В. Березуцкий ва бошқа ўртоқларнинг суҳбатларини ташкил этмоқда. Улар коммунистларга ўз сиёсий ва иқтисодий билимларини оширганликлари туфайли ишлаб чиқаришда катта муваффақиятларга эришаётганликлари ҳақида сўзлаб бермоқдалар.

Бу йил корхонада саноат конкрет экономикасини ўрганиш юзасидан 6 тўгарак ташкил этилиб, унга цех бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ва мастерлардан 112 киши жалб этилади. 16 коммунист сиёсий иқтисодни ўрганиш тўгарагида, 60 дан ортиқ коммунист жорий сиёсатни ўрганиш тўгаракларида ўқишга хоҳиш билдирдилар.

Партия ташкилоти партия ўқувининг ғоявий жиҳатдан чуқур, мазмунли ўтиши пропагандист кадрларнинг составига ва тайёргарлигига боғлиқ эканлигини назарда тутиб, уларни танлашга катта эътибор берди. Олий маълумотли ва пропагандистлик тажрибасига эга бўлган 10 киши тўгаракларга раҳбар қилиб тайинланди. Булар орасида заводнинг бош технологи Широкий, план бўлимининг бошлиғи Лазарев, завод бош механиги Беляков ва бошқа малакали инженер-техник ходимлар бор.

Бу йил коммунистлардан 40 киши сиртдан туриб ўқиш учун институт ва техникумларга ўқишга юборилди. Уларнинг нормал ўқиши ва техника билимларини оширишлари учун корхонада тўла шароит яратиб берилди.

Барча тўгаракларнинг қатнашчилари ва пропагандистлар ўқув қуроллари билан тўла таъминландилар. Коммунистлар партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилининг бошланишини катта қизиқиш билан кутмоқдалар.

Ж. МАҲМУДОВ.

Пухта тайёргарлик билан

Мирзачўл районида партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йили катта тайёргарлик билан кутиб олинмоқда.

Бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ва пропагандистлари ихтиёрийлик принципига тўла риоя қилганлари ҳолда, ҳар бир коммунист, комсомол ва партиясиз актив билан яккама-якка суҳбатлар ўтказдилар ҳамда уларнинг маълумоти ва сиёсий билим даражалари аниқланиб, турли типдаги тўгаракларга жалб этилдилар. Шу асосда район бўйича партия ташкилотлари ҳузурида 12 та партия тарихини ўрганиш тўгараги, 29 жойда саноат ва қишлоқ хўжалик экономикасини ўрганиш тўгараги, 18 та сиёсий ўқиш мактаби ташкил этилди. Буларга 800 га яқин коммунист, комсомол, партиясиз активлар жалб этилди.

Бу тўгарак ва мактабларда машғулотларни олиб бориш учун ўқитувчи, агроном, инженер ва бошқа мутахассис ҳамда раҳбар ходимлардан иборат тажрибали пропагандистлар белгиланди. Область партия комитети ҳузурида ташкил этилган бир ойлик пропагандистлар тайёрлаш курсида 10 киши ўқиди. Район ижроия комитети ҳузуридаги курсга 47 пропагандист қатнашди. Пропагандист ва мустақил ўқувчилар учун район партия кабинетида консультация пункти ташкил этилди.

Б. САМАТОВ.

Область ижроия комитети, Ўзбекистон КП область комитети ва Ўзбекистон касаба союзлари советида

Область ижроия комитети, Ўзбекистон КП область комитети ва Ўзбекистон касаба союзлари Совети Тошкент областидаги шаҳарлар ҳамда Тошкент шаҳридаги районлар саноат корхоналари ўртасидаги область социалистик мусобақа шартларига биноан 1956 йил III квартал якунларини кўриб чиқдилар.

Область социалистик мусобақасида биринчи ўринни эгаллагани учун Янгийўл шаҳрига Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети ва Узсовпрофнинг кўчма Қизил байроғи ва дипломи берилди. Шаҳар саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш давлат планини 115,5 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш планини 111,7 процент бажарган ва маҳсулотнинг планда белгиланган таннархининг 1,7 проценти миқдорида қўшимча жамғарма берган.

Область социалистик мусобақасида иккинчи ўринни олган Тошкент шаҳар Марказий районига Фахрий ёрлиқ берилди. Район саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 101,8 процент бажарган ва маҳсулотнинг планда белгиланган таннархининг 1,01 проценти миқдорида қўшимча жамғарма берган.

Давлат планларини асосий кўрсаткичлар бўйича бажарган Тошкент шаҳар Октябрь, Ленин, Куйбишев ва Киров районларининг саноат корхоналарининг яхши ишлаганлиги қайд қилиб ўтилди.

III квартал давлат планларини бажармаган Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ ва Оҳангарон шаҳарларининг саноати қониқарсиз ишлаганлиги қайд қилиб ўтилди.

МИРЗАЧЎЛ РАЙОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

☆ ☆ ☆

Ҳар гектар ердан бултургига нисбатан 6 центнердан ортиқ ҳосил олдик

Бу йил колхозимиз аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг қарорларидан илҳомланиб, республикамизда 3 миллион тонна пахта етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. 850 гектар пахта майдонидан мўл ҳосил етиштириш учун районимиздаги бошқа колхозчилар сингари фидокорона ишладилар. Агротехниканинг янги усулларини амалга оширдилар. Жумладан, 50 процент пахта майдонидаги ғўзалар икки томонлама парвариш қилинди.

Колхозчиларимиз ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб етиштирган, бутун йил бўйи олиб борган курашимизнинг самараси бўлган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишига айниқса катта аҳамият бердик ва бу муҳим ишни зўр ташкилий ва ўюшқоқлик билан ўтказиш учун курашдик. Йиғим-терим даврида оммавий-сиёсий ишлар ва ўзаро социалистик мусобақа кучайтириб юборилганидан йиллик нормасини бажармаган бирорта ҳам колхозчи қолмади. Бахри Алиева, Мирзаева каби илғор теримчилар 10,5-11 тоннадан пахта териб ҳаммага намуна бўлдилар.

Пахта терими даврида бизга Ўрта Осиё политехника институтининг 400 студенти, колхозимиздаги ўртоқ Хожар Абдуллаева директор бўлган Молотов номли мактаб ўқувчилари жуда катта ёрдам бердилар. Фақат шу мактаб ўқувчиларининг ўзи 400 тонна пахта териб бердилар. Шунинг учун колхозчиларимиз Ўрта Осиё политехника студентларидан ҳам, Молотов номли мактаб ўқитувчилари, ўқувчиларидан ҳам жуда миннатдордирлар. Шу сабабли колхоз правлениеси мактабга мукофот тариқасида пианино олиб берди.

Колхозимизда пахта терими ўюшқоқлик билан олиб борилгани туфайли ҳозиргача ҳар гектар ердан пландаги 25,5 центнер ўрнига 27,5 центнердан ҳосил йиғиб олиб, давлатга топширдик. Ваҳоланки, ўтган йили ҳар гектар ердан бор-йўғи 21,5 центнердан пахта ҳосили олган эдик. Айрим бригадаларда бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Жумладан, ўртоқ Мамажон Нурматов бошлиқ бригада аъзолари 83 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40,5 центнердан, шу бригаданинг 70 ёшли Файзихола Жўраева бошлиқ звеноси 18 гектар ернинг ҳар гектаридан 43,5 центнердан ҳосил олиб катта муваффақиятга эришдилар. Шунингдек, ўртоқ Уммат Маҳкамов бошлиқ бригаданинг гектаридан 40,2 центнердан, Убайдулла Маллаев бошлиқ бригаданинг 32 центнердан пахта ҳосили олганлигини айтиб ўтиш керак.

Колхозимизда пахта тайёрлаш планининг ошириб бажарилиши, Мирзачўлнинг шўр ерларидан юқори ҳосил олишимизда Мальцев усули билан ишлаганимиз бўлди. Биз пахта майдонларини 45 сантиметр чуқурликда ағдармасдан Мальцев усулида ҳайдаган эдик. Натижада ер остига тушиб кетган гич партия ташкилоти йиғим-терим ишларини ўюшқоқлик билан ўтказиш учун бизга ҳамма шароитни яратиб берди. Кўпмиянгчилар ҳаракати кучайтирилганлиги, ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлаганлигимиз сабабли колхозимиз бўйича зиммамизга олган мажбуриятимизни муддатидан илгари ортиғи билан бажаришга, давлатга гектаридан 24,5 ўрнига 26 центнердан ҳосил топширишга эришдик.

Ўзаро социалистик мусобақада мен бошчилик қилаётган бригада аъзолари бирмунча яхши натижага эришдилар. Улар мавсум бошида «ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил топширамиз» деб ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Илгари бу ваъдамизнинг чин эканлигига ишонинқирамаган баъзи ўртоқлар энди 35 эмас, гектаридан давлатга 41 центнердан ҳосил топширганлигимизни кўриб, биздан ҳурсанд бўлмоқдалар.

Социалистик мусобақада ғолиб чиқишимизга чевар теримчиларимизнинг ғайрат билан меҳнат қилганликлари, мавсумда 5-10 минг килограммдан пахта теришга эришганликлари катта ёрдам берди. Меҳри Бобоева, Турғунбой Маматқулова каби чеварлар шу кунгача 12-15 тоннадан пахта териб, колхозимиз аъзоларининг ҳурматига сазовор бўлдилар.

Н. МАРАЖАБОВ,
Мирзачўл районидаги Ленин номли колхозининг бригада бошлиғи.

Суратда: 1 Мирзачўл районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг бригада бошлиғи **И. Юсупов.** Унинг бригадаси 64 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ошиқ пахта топширди. 2. Шу райондаги Ленин номли колхознинг аъзоси Салима **Муса ева.** У, мавсумда ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятни анча ошириб бажарди.

О. Косеров фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ҳосилимиз йилдан-йилга ошмоқда

Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти йиғим-терим ишларини ўюшқоқлик билан ўтказиш учун бизга ҳамма шароитни яратиб берди. Кўпмиянгчилар ҳаракати кучайтирилганлиги, ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлаганлигимиз сабабли колхозимиз бўйича зиммамизга олган мажбуриятимизни муддатидан илгари ортиғи билан бажаришга, давлатга гектаридан 24,5 ўрнига 26 центнердан ҳосил топширишга эришдик.

Ўзаро социалистик мусобақада мен бошчилик қилаётган бригада аъзолари бирмунча яхши натижага эришдилар. Улар мавсум бошида «ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил топширамиз» деб ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Илгари бу ваъдамизнинг чин эканлигига ишонинқирамаган баъзи ўртоқлар энди 35 эмас, гектаридан давлатга 41 центнердан ҳосил топширганлигимизни кўриб, биздан ҳурсанд бўлмоқдалар.

Социалистик мусобақада ғолиб чиқишимизга чевар теримчиларимизнинг ғайрат билан меҳнат қилганликлари, мавсумда 5-10 минг килограммдан пахта теришга эришганликлари катта ёрдам берди. Меҳри Бобоева, Турғунбой Маматқулова каби чеварлар шу кунгача 12-15 тоннадан пахта териб, колхозимиз аъзоларининг ҳурматига сазовор бўлдилар.

Н. МАРАЖАБОВ,
Мирзачўл районидаги Ленин номли колхозининг бригада бошлиғи.

Келгуси йил мўл ҳосили учун кураш қизғин тус олди

«Коммуна» колхози аъзолари бу йил ҳам ҳар йилгидек пахта тайёрлаш планини Улуг Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги кунигача ҳарф билан бажардилар. Бу йил 900 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ўтган йилдагига қараганда қариб икки центнердан ошириб ҳосил олинди. Шундай қилиб колхозимиз ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятни ҳам ошириб бажарди.

Биз бу ютуққа эришиш учун катта ташкилий ишлар олиб бордик. Партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни ривожлантириш юзасидан чиқарган қарорлари колхозчилар ўртасида кенг тушунтирилди. КПСС Марказий Комитетининг ва СССР Министрлар Советининг пахтакор колхозларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш тўғрисидаги қарори айниқса колхозчиларимизнинг меҳнат ғайратларини ошириб юборди. Шунингдек, Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисидаги партия ва ҳукуматимизнинг қарори колхозчилар руҳини яна ҳам кўтарди. Шу туфайли улар зўр ғайрат билан ишлаб пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар.

Колхозимизда пахтадан мўл ҳосил етиштиришда коммунистлар ва комсомоллар етакчи роль ўйнадилар. Жумладан коммунист ўртоқ Мирза Тошматов бошлиқ бригада аъзолари 55 гектар пахта майдонидан ўтган йилдагига нисбатан ҳосилни 10 центнердан оширгилар ва ҳар гектар ердан пландаги 25 центнер ўрнига 40 центнердан пахта топширдилар. Колхозимизда илғор ҳисобланган Раҳимберди Тешабоев бошлиқ бригада аъзолари ҳам ҳар гектар ердан 34 центнердан ҳосил олиб ҳаммага намуна бўлдилар. Комсомол аъзоси Обид Қўйчиев бошлиқ ёшлар бригадасида ҳосил бирмунча оширилиб, гектаридан 29,7 центнердан пахта йиғиб олинди.

Пахта плани ошириб бажарилгани, ҳар гектар ердан олинган ҳосил кўпайгани туфайли колхозимизнинг даромади ҳам ошди. Агар 1955 йилда колхозда умумий даромад 7 миллион сўм бўлган бўлса, бу йил 8 миллион 200 минг сўмга етди. 1955 йилда 1 меҳнат кунига 11 сўм 95 тийин пул, 2,5 килограммдан дон берилган эди, бу йил эса 14 сўм пул, 3 килограммдан ғалла тақсимлаш мўлжалланмоқда.

Ҳозир колхозимизда сўнгги тонна ҳосилни жадал йиғиб олиш билан бирга келгуси йил мўл ҳосили учун тайёрлик ишлари ҳам қизитиб юборилди. Шу кунларда даладаги ишлар конвейер усулда олиб борилаётир. Сўнгги ҳосилни йиғиб олиш, ер бўшатиш, ғўзапоя юлиш ва шудгор қилиш ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда. Ҳозир далада колхозчилар айрим бригадаларга бўлиниб ишламоқдалар. Шу билан бирга тўртта кўрак терадиган машина ишлаб турибди. Ишнинг шу хилда ташкил этилгани туфайли ерлар пешма-пеш бўшатилмоқда, 6 та ҳайдов трактори пахта далаларимизда кузги шудгор ишларини олиб бормоқда. Ҳозиргача колхозимизда 150 гектарча ер шудгор қилиб қўйилди.

Колхозимизда белгиланган қишлоқ хўжалик планлари муваффақиятли бажарилиши билан бирга ободончилик ишларига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Колхозчиларга 2 квартирали 3 та, бир квартирали 12 та уй қуриб берилди.

Ҳалол меҳнат туфайли фаровон ҳаёт кечираётган колхозчиларимиз сўнгги ҳосилни йиғиб олиш билан келгуси йил мўл ҳосили учун зарур бўлган тайёрлик ишларини ҳам шараф билан бажарадилар.

Б. НИЗОМОВ,
Мирзачўл районидаги «Коммуна» колхози партия ташкилотининг секретари.

Ваъдамни ошириб бажардим

Бир неча йилдан бери пахта теримига актив қатнашаман. Лекин ҳеч қачон бу йилгидек кўп пахта терганлигимни эслай олмайман. Мавсум бошида кўпмингчилар ҳаракатига қўшилиб, дугоналарим олдида ваъда берган эдим.

Кўпчилик олдидаги аҳдимни ортиғи билан бажариш учун ғайрат билан ишлай бошладим. Бригадамиздаги чевар теримчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш учун қарашдим. Далага эрта чиқиб, уйга кеч қайтиб, қимматли вақтдан унумли фойдаланиш учун курашдим. Натижада дастлабки кунларданоқ хирмонга 100-150 килограммдан, терим қизғин авж олган кунларда эса 150-200 килограммдан пахта топширишга эришдим. Мавсум охирида эса ўз касбдошларимнинг кўпчилигидан ўзиб кетишга муваффақ бўлдим.

Шу кунгача терган пахтам 12,5 тоннага етди. Бу, зиммамга олган мажбуриятимдан 2,5 тонна ортиқдир. Дугоналарим ҳам, бригадамиз бошлиғи ўртоқ Мамазокир Абдуллаев ҳам мендан ҳурсанд. Чунки бригадамизнинг 70 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан давлатга 40,5 центнердан ҳосил топшириш ишига ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшган эдим. Мен бу билан чиндан ҳам фахрланаман.

Жўрахон МАДУМАРОВА,
Василевский номли колхознинг теримчиси.

Мирзачўлни йирик ва юқори ҳосилли пахтакор районга айлантирамиз

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамлакатда пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан кўраётган тадбирларида Мирзачўлни келажакда Иттифоқимизнинг муҳим пахта базаларидан бирига айлантириш зарур вазифалардан эканлигини алоҳида уқтириб ўтмоқдалар. Партия ва ҳукуматимиз Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг 300 минг гектарини суғориш ва ўзлаштириш вазифасини қўйди. Бизнинг район меҳнаткашлари ҳам пахта ҳосилини йил сайин ошириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Янги ерлар йил сайин кўпроқ кенгайтирилмоқда ва бу ерлардан олинадиган ҳосил оширилаётир.

Мирзачўл район пахтакорлари ва механизаторлари 19 ноябрда, бултургидан анча илгари пахта тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. 11763 гектар ернинг ҳар гектаридан 24 центнердан ҳосил топширдилар. Биз ҳаммаси бўлиб давлатга 28 минг 305 тонна пахта етказиб бердик. Бу, 1955 йилдагига нисбатан 3900 тонна ортиқдир.

Мирзачўл ерларида пахтадан мўл ҳосил етиштиришимизнинг муҳим омилларидан бири — ватанпарвар кишиларимизнинг янги ерларни битмас-туганмас «оқ олтин» конига айлантириш йўлида фидокорлик, ташаббускорлик билан қилган меҳнатлари бўлди. Бундан 10-15-20 йил илгари Мирзачўлга кўчиб келган ва бу воҳанинг табиий шароитини жуда яхши билиб олган, агротехниканинг илғор, прогрессив методлари билан қуролланган пахтакорларимиз астойдил меҳнат қилдилар. Механизаторлар пахтакорларга кўмаклашдилар. Ана шу бирликда қилинган меҳнат ўзининг порлоқ самарасини кўрсатди.

Пахта ҳосилини ошириш ва бу ҳосилни қисқа вақт ичида сира нобуд қилмай, йиғиб-териб олишимизда колхозларда меҳнат интизомининг яхши йўлга қўйилганлиги, ҳар бир кишининг коллектив хўжалик ишига тўғри ва онгли муносабатда бўлганлиги ҳал қилувчи роль ўйнади, ҳар бир киши ўзи ишлаётган участкада фидокорона меҳнат қилди, ишда юз берган айрим камчиликлар шу жойнинг ўзида кўпчилик кучи билан бартараф қилинди. Мўл ҳосил учун курашда коммунистлар етакчи ва авангард бўлдилар. Коммунистлар бошлиқ бўлган бригада ва звеналар пахтадан айниқса мўл ҳосил етиштирдилар. Шу билан бирга коммунистлар бошқаларни ўзларига эргаштириб бордилар, ташаббус кўрсатиб ишладилар. Улар агротехниканинг янги, прогрессив методларини қўлланишда агитатор ҳамда пропагандист бўлдилар, бу усулнинг пахтачиликни ривожлантиришда голт муҳим аҳамиятга эга эканлигини кенг оммага тўла тушунтирдилар. Механизациядан унумли фойдаланиш йўлларини амалда кўрсатиб бердилар.

Районимизда бу йил кўпгина бригада ва звеналар, бир қанча колхозлар Мирзачўл шароитида мисли кўрилмаган даражада мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Колхозларимизнинг кўпчилиги ҳар гектар ердан олинган ҳосилни 30-31 центнерданга, ўнлаб бригадалар эса гектарига 40-50 центнерданга етказа олдилар. Биз қувонч билан айтамизки, бу йил биронта колхоз ҳам 20 центнердан кам пахта топширмайди. Энди Мирзачўл мўл ҳосил етиштиришда областимизнинг, шунингдек республикамизнинг илғор районлари билан беллашаоладиган бўлиб қолди, деб ишонч билан айта оламиз.

Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига ўтган икки йил ичида районимизда Энгельс номли, Мичурин номли, «Чорвадор» колхозлари, Булганин номли совхоз ташкил этилди. Янгидан ташкил этилган хўжаликларда ҳам ҳосилни ошириш чакки эмас. Энгельс номли, Мичурин номли колхозларнинг аъзолари ҳар гектар ердан 22-23 центнердан пахта етиштириб, янги ерларда пахтадан мўл ҳосил олиш намунасини кўрсатдилар.

Агротехниканинг янги методлари тўла қўлланилган колхозларда, айниқса камқувват, ҳисобланган колхозларда ҳосил учун сарфланадиган харажатни анча камайтириш имконияти туғилди. «Ленинизм», Жданов номли, Каганович номли колхозларда ўтган йилларда ҳосил жуда паст эди. Бу колхозларнинг правлениелари ва партия ташкилотлари ўз хўжаликларида пахта етиштиришни янги усулда олиб бориб, ўтган йиллардагига нисбатан 1,5-2 марта кўп ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. Ўтган йили 14 центнердан пахта етиштирган «Коммунизм» колхози бу йил давлатга ҳар гектар ердан 22,5 центнердан, Каганович номли, Жданов номли колхозлар 25 центнердан пахта топширдилар. Бу ўтган йилдагига нисбатан ҳар гектарига 8-9 центнердан ортиқ демакдир.

Илғор колхозлар, бригадалар бу йил ҳосилни анча ошира олганликлари учун районимиз ҳам ўтган йилдагига нисбатан яхши натижага эришди. Бу йилги топширган пахтамиз ўтган йилдагига таққослаб кўрилганда гектар бошига 4 центнердан кўп эканлиги маълум бўлади.

Районимиздаги йирик, юқори ҳосилли «Октябрь» колхози (раиси Брухтий, бошланғич партия ташкилотининг секретари Абдуллаев ўртоқлар) да қўлга киритилган муваффақиятлар айниқса қувонарлидир. Бу колхоз аъзолари ҳар йили ҳам Мирзачўл ерларида мўл ҳосил етиштириш намунасини кўрсатиб келмоқдалар. 993 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан пахта топширган «Октябрь» колхозининг азамат колхозчилари далада қолган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олиш ва келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрлаб қўйиш мақсадида шу кунларда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Сталин номли колхоз ўтган йили унча яхши натижага эриша олмаган эди. Колхоз пахтакорлари бу йил илғорлар тажрибасини кенг қўлланиб, ғўза парвариши давридаги ишларнинг барчасини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказишга эришиб, 850 гектар ернинг ҳар гектаридан 27,5 центнердан ёки бултургига қараганда гектар бошига 4,5 центнердан кўп пахта топширдилар.

«Коммуна», Василевский номли, Ленин номли ва бошқа илғор колхозларнинг аъзолари ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштиришда бултургига нисбатан яхши натижаларга эришдилар.

Бу йил пахтадан мўл ҳосил олиб социалистик мусобақада ғолиб чиққан илғор бригадаларнинг ишини кўрсатиб ўтиш керак. «Октябрь» колхозининг ўртоқ Бердибой Абдуллаев бошлиқ бригадаси 104 гектар пахта майдонига эга. Бригада аъзолари пахтачиликни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашиб ана шу ерларда мўл ҳосил етиштирдилар, гектаридан 42,5 центнердан пахта топширишга муваффақ бўлдилар. Сталин номли колхознинг Мамажон Нурматов, «Коммуна» колхозининг Мирзаали Тошматов, Василевский номли колхознинг Шарафиддин Абдуллаев, «Қизил юлдуз» колхозининг Иброхим Юсупов, Ленин номли колхознинг Носир Маражапов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан ўртача 40-41 центнердан ҳосил етиштирдилар. Районимизда шу даражада пахта топширган бригадалар сони 50 дан ошди.

Район колхозлари ҳозирги муваффақиятларга йиғим-терим ишларини пухта ўтказиш учун кураш олиб борганликлари сабабли эришдилар. Чунки, ҳар бир деҳқон ҳам ҳосил мўл бўлгани билан уни йиғиб-териб олиш яхши ташкил қилинмаса, бу даврда ҳар бир киши жон ачитиб меҳнат қилмаса муваффақиятга эришиб бўлмаслигини яхши билади. Колхозларнинг партия ташкилотлари йиғим-терим даврида колхозчилар оммасига бошчилик қила олдилар. Улар йиғим-терим даврида оммавий-агитация ишларини кучайтирдилар, илғорлар тажрибасини кенг пропаганда қилдилар. Ҳамма йиғим-теримга, деган шиорнинг амалга оширилишини таъминладилар. Пахта тайёрлаш даврида кўпминг килограммчилар ҳаракати ҳар қачонгидан ҳам қизғин тус олиб кетди. 4 мингдан ортиқ киши 7-10-15 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олиб, асосий меҳнат қилди. Натижа яхши бўлиб чиқди. Ана шу сўзи билан иши бир колхозчилар мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Фақат Сталин номли колхознинг ўзида кўпминг килограммчилар ҳаракатига қўшилган колхозчиларнинг сони 120 кишига етди. Шундан 10 теримчи 10-15 тоннадан, 49 теримчи эса 9-10 тоннадан ошириб пахта терди. Бахри Олимова сингари бир қанча колхозчи кўп пахта териш юзасидан олган социалистик мажбуриятини анча ошириб бажарди. Ленин номли колхоздан Меҳри Бобоева, Василевский номли колхоздан Жўрахон Мадумарова, Каганович номли колхоздан Бахри Раҳмонбердиева ўртоқлар ҳам шу хилда яхши натижаларга эришдилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг пахта нархини ошириш тўғрисидаги қарори районимиз колхозларига иқтисодий жиҳатдан катта ёрдам берди. Бу йил колхозларимиз ҳар бир меҳнат кунига кўплаб ғалла ва пул тақсимлаб берадилар.

Пахта тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажарганлигимиз тўғрисида рапорт бераётган ҳозирги пайтда бизга биродарлик ёрдамини кўрсатган Тошкент шаҳар меҳнаткашларига, Ўрта Осиё политехника институтининг студентлари ва ўқитувчилар коллективига ва Мирзачўл шаҳар меҳнаткашлари ҳамда мактабларнинг ўқувчи-ўқитувчиларига пахтакорлар номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Янги ерларни тобора кўпроқ ўзлаштириш, бу ерлардан мўл ҳосил етиштириш соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган Мирзачўл район пахтакорлари ва механизаторлари мамлакатда пахтачиликни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун бундан кейин ҳам зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қиладилар.

Қ. УКУБОЕВ,
Мирзачўл район партия комитетининг секретари.

Венгриянинг ички ишларига аралашмоқ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан фойдаланиш йўлидаги уринишларга қарши

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1956 йил 19 ноябрдаги ялпи мажлисида СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. ШЕПИЛОВ нутқи

Раис жаноблари, жаноблар!

Совет делегацияси Венгриядаги аҳвол масаласини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясининг кун тартибига киритишга қарши эътироз билдирди. Биз бу масалани Венгрия Халқ Республикасининг ички иши деб ҳисоблаб келдик ва ҳисоблаётирмиз.

Венгриянинг ички ишларига аралашмоқ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан фойдаланишга, маълумки, Бош Ассамблеянинг фавқулодда махсус сессиясида ҳаракат қилиниб кўрилган эди. Венгрия Халқ Республикасининг революцион ишчи-деҳқон ҳукумати бундай уринишларга қарши норозилик билдирди. Венгрия Ташқи ишлар министри вазифасини бажарувчи Иштван Шебеш 1956 йил 12 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретарига юборган телеграммасида бундай деб ёзди: «Венгрия ҳукумати шу нарсани жуда қатъий қилиб айтадики, Венгрияда вужудга келган вазиятни ҳал қилиш фақат Венгрия давлатининг ички қонуний компетенциясига тааллуқли ишдир. Шу сабабли, Бош Ассамблеянинг Венгриядаги ички сиёсий вазиятга тааллуқли ҳар қандай резолюцияси Венгриянинг ички ишларига аралашиш бўлади ва Уставнинг 7-параграфидаги 2-моддасининг қоидаларига зид бўлиб тушади».

Венгер халқининг манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш мақсадида эмас, балки муайян доираларнинг, биринчидан, Англия, Франция ва Исроилнинг Миср устига агрессив ҳаракатларидан жамоатчилик эътиборини четга тортиш, иккинчидан эса, Венгриядаги реакцион подполье кучларига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан мадад ва ёрдам қилиб, бу кучларни рағбатлантириш йўлидаги интилишлар Венгриядаги аҳвол масаласини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясининг кун тартибида сақлаб қолишга зўр бериб интилишини келтириб чиқармоқда.

„Венгрия масаласи“ теварагида бўлаётган иғвогарлик шовқин-суронининг сабаби нима

Куба делегацияси томонидан тақдим этилган резолюция проектига келганда, бу ҳужжатдаги иғвогарликнинг қўланса ҳиди узоқдан сезилиб турибди. Бу проектда гўё Совет Иттифоқи ҳукумати, венгер маъмурларининг розилиги билан, венгер асирларини зўрлаб Венгриядан ташқарига жўнатмоқда деган тамойил ётибди. Бу ҳужжатда қўйилаётгани сингари айбларни асосламоқ учун элементар талабларни шу қадар бузган бошқа бир ҳужжатни ҳатто «совуқ муносабатлар урушининг» энг ёмон даврларида ҳам топиш қийин эди.

Куба резолюцияси проектининг авторлари ўзларининг туҳматдан иборат даъволарини рост гапга ўхшатишга уриниб, аслда бўлмаган «расмий Будапешт радиосининг хабарини» ҳеч бир далилсиз рўкач қилмоқдалар. Бироқ, ўтказилган текшириш Будапешт радиосининг ҳеч бир бундай хабарни эшиттирмаганлигини кўрсатди. Шу сабабли бугун Куба вакили бу манбани рўкач қилмади. Резолюция проектида ахборотнинг бошқа бир «манбаи» тариқасида «бутун жаҳон матбуотининг» хабарлари рўкач қилинди. Аслини олганда, бунда «бутун жаҳон матбуоти» деган термин остида реакцион доираларнинг заказларини итоат билан бажариб, Венгриядаги аҳвол тўғрисида ҳар хил уйдирмаларни тўқиб чиқараётган матбуот органлари назарда тутилди.

Лекин бугун Куба вакили шу манбани рўкач қилишдан ҳам воз кечишга мажбур бўлди, чунки «жаҳон матбуоти» бу хилдаги ҳеч қандай ишончли фактларни бераётгани йўқ.

Модомики шундай экан, Куба делегатининг иғвогарлик уйдирмалари нималарга асосланади? Ҳеч нарсага асосланмайди. У далил кидириб овора бўлмади, ўз бурчи бўлган исботлашни ифлос уйдирмалар билан алмаштирди.

Резолюциянинг бир оз ўзгартирилган проектида Венгрияда «Геноцид жиноятларининг олдини олиш ва бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги конвенция» бузилишига йўл қўйилди деб айтилган гапларнинг мақсади бу иғвогарлик ҳужжатини юридик жиҳатдан асосланган ҳужжат қилиб кўрсатиш йўлидаги интилишдир. Бироқ, маълумки, одамларнинг бирор миллий этник, ирқий ёки диний группага мансуб бўлганликлари учунгина уларни қириб юбориш ниятида қилинадиган актларни қораловчи мазкур Конвенциянинг Венгриядаги аҳвол масаласига ҳеч бир алоқаси йўқ.

Агар Куба делегацияси геноцид билан курашиш тўғрисида жиддий ғамхўрлик қилганида эди, у бу муҳим ишлар ҳақиқатан қилинаётган мамлакатлардаги аҳвол билан қизиқиб кўриши керак эди.

Масалан, Кенияда нималар бўлаётганига бир назар ташласангиз-чи? Рейтер агентлигининг хабарига қараганда, черкав миссионерлари жамиятининг ўтган йил 19 июнда айтган гапига қараганда, Кения ҳукумат маъмурлари 500 мингдан кўпроқ негрни ушлаб қамоққа олганлар. Америкалик публицист Гантер Кениядаги инглиз ҳукумат маъмурлари томонидан кикуйю қабиласига қарши «босқон» деган характерли ном остида ўтказилган операция тўғрисида гапириб, бу операцияга «тарихда одамларни ов қилишнинг энг иффектив шаклларидан бири бўлди» деб баҳо берган эди. 14.300 кишидан иборат бутун бир тюрьмачилар армияси Кениядаги тюрьмаларни ва қамоқ лагерларини кўриқлаш учун сақланмоқда. Бу тюрьмаларда ва қамоқ лагерларида ҳеч бир гуноҳсиз минг-минглаб кишилар, шу жумладан хотинлар ва болалар сақланмоқда.

Хўш, халқи жуда қаттиқ репрессияларга қарамай, озодлик учун мардонавор курашаётган Жазоирда нималар бўлаётир? Франция Миллат мажлиси социалистик фракциясининг раҳбари Эдуард Депре 6 апрелда даҳшатли рақамларни эълон қилди: у айтдики, расмий маълумотларга қараганда, Жазоирда кураш бошланганидан бери Франциядан 48000 кишини қириб ташлаганлар. «Таймс оф Индиа» газетаси бу хусусда жуда ҳаққоний бир фикрни айди: «француз ҳукуматининг жуда камайтириб ҳисоблаган бу рақамларининг ростлигига ишонган тақдирда ҳам, бу ўлдиришларнинг миқёсини деярлик қиргин деб ҳисоблашга тўғри келади».

Жаноблар, агар Куба делегацияси ҳақиқатан ҳам геноцидга қарши курашишни истаганда эди, мана шу ҳаракатларга қарши норозилик билдириши лозим эди!

Қандайдир «венгер асирлар», шу жумладан хотин-қизлар ва болалар Венгриядан ташқарига сургун қилинаётирлар, деган ашаддий бемаъни уйдирмага келганда, бу уйдирманинг Будапештда қатъиян рад қилинганлиги ва жумладан Куба делегацияси ўзининг дастлабки резолюциясида жуда эҳтиётсиз рўкач қилган Будапешт радиоси орқали ҳам қатъиян рад этилганлиги сизларга маълум. Венгрия Республикасининг ҳукумати 18 ноябрда эълон қилган расмий ахборотида бундай дейилади:

«Қамоққа олинганлар Совет Иттифоқига олиб кетилмоқда, деб тарқатилаётган ваҳималари овозалар тобора оғиз ва кучсиз бўлиб қолаётган контрреволюцион доиралар ўйлаб чиқарган иғвогарликдир. Ҳақиқатда эса, қамоққа олинган кишилардан битгаси ҳам Венгрия территориясидан олиб кетилгани йўқ. Иғвогарлик билан тарқатилаётган бу ёлғон овозаларнинг мақсади, бир томондан, ҳукуматга ишончсизлик тўғдириш, аҳолининг осойишталигини бузиш ва ишлаб чиқаришга халақит бериш бўлса, иккинчи томондан, аҳоли билан Совет Армияси қўшилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни шундай йўл билан бузишга уринишдир».

Шундай қилиб, венгер гражданлари Совет Иттифоқига сургун қилинаётир, деган афсона пуч бўлиб чиқди. Шунга қарамай, Куба делегацияси рад этилган ёлғон хабарлар уюмидан қовлаб олинган қўланса газета хабарини Бош Ассамблея сессиясига тақдим этишни ўзига эп кўраяпти-я! Венгрия Халқ Республикаси делегацияси бугун бу ерда бундай разилона ҳаракат хусусида ўзининг салмоқдор сўзини айтди. Шу делегациянинг ўзи «Венгрия масаласи» деб аталган масаланинг моҳиятини ҳам муфассал баён қилиб берди.

Бинобарин, Куба делегациясининг проекти муҳокама қилиш учун арзирлик бир нарса эмас. Чунки резолюциянинг бу проектининг негизи туҳматдан иборатдир. Бироқ, Бош Ассамблея умумий дискуссияни кейинга қолдириб, Куба делегацияси томонидан тақдим этилган резолюция проекти устида дарҳол музокаралар бошлашга розилик берган экан, совет делегацияси Венгриядаги аҳвол масаласини объектив равишда ёритиб беришни зарур деб ҳисоблайди.

Реакцион кучлар ихтиёрида бўлган жуда катта пропаганда аппарати Венгриядаги воқиалар тўғрисида кейинги ҳафталар давомида жаҳонга ниҳоят даражада бемаъни ёлғон хабарларни кўп тарқатмоқда. Бу кампаниянинг ташкилотчилари миллион-миллион кишиларни лақиллатиб, ўзларининг сиёсий обрўларини оширмоқчилар ва СССР теварагидаги вазиятни заҳарлашга уринмоқдалар.

Масалан, Будапештда совет қўшинлари болалар касалхонасини тор-мор келтириб, юзларча болаларни ўлдирди, деган мудҳиш ёлғон хабар мана шу тарика тугилди. Бу ёлғон бутун капиталистик дунёдаги матбуотда зўр бериб тарқатилди. Масалан, Франциядаги «Фигаро» газетаси Будапештдан олинди, деган қалбаки «радиограммани» ваҳималарлан қазиб олинган 300 боланинг ўлигини «кўрдим» (!), деб айтди» деган хабарни тарқатди.

Американинг кўпгина газеталари бу туҳматни илиб олиб, такрорладилар. Чунончи «Дейли миррор» ва «Вашингтон пост» газеталари Норт американ ньюспейпер Альянс махсус мухбирининг хабарини босиб чиқарди. Инсофсизликда ҳаддан ошган бу мухбир ўша хабарида «мен касалхона вайроналари олдида ерда қатор бўлиб ётган кичкина — уч юзга яқин боланинг жасадларини кўрдим» деб айтган.

Болалар госпитали тўғрисида кўп кунлар давомида авж олдирилиб келган ва Геббельснинг энг маккор қилиқларини яна эсга солган бу ёвуз туҳмат кампанияси, табиийдирки, шармандаларча барбод бўлиши лозим эди. Америка газеталари 13 ноябрда уч агентликнинг — Ассошиэйтед Пресс, Юнайтед Пресс ва Рейтер агентликлари мухбирларининг Вена орқали Будапештдан юборган қўшма раддиясини эълон қилишга мажбур бўлдилар. Шу мухбирлар, текшириш натижасида болалар касалхонаси ўз жойида қолганлиги ва касалхонадаги уч юз ёки ундан кўпроқ боланинг биттаси ҳам шикастланмаганлиги маълум бўлди, деб хабар қилди.

Совет Армиясининг «йиртқичликлари» тўғрисидаги афсона эндиликда шу тарика пучга чиққанидан кейин, совет қўмондонлиги Венгриядан минглабми, ёки ўн минглабми венгер хотин-қизларини ва болаларини Сибирга сургун қилаётир, деган янги мудҳиш уйдирма тарқатилди. Лекин туҳматчилар бу сафар ҳам шармандаларча барбод бўлиб, уларнинг ёлғончиликлари яққол кўринди, лекин улар ўзларини тийдиларми? Улар яна ўзларининг ифлос ишларини қилаверадилар ва эҳтимолки, эртага қандайдир янги бир сохта хабарни тарқатадилар.

Бугун баъзи газеталар ва радио, Венгрияга 21 та совет дивизияси келмоқда! деб ҳеч бир уялмай хабар тарқатдилар. Ғар бўл, ўғри бўл, лекин инсоф билан бўл-да!

Реакцион пропаганда конвейерини бошқариб турганлар ҳозир нега шунчалик питирлаб қолишди? Уларга—Венгрияда фашистлар террори кучаябошлаган бир пайтда Венгриядан ёрдам сўраб қилинган даъватга жавобан венгер халқига энг катта ҳалокатнинг олдини олишда, яъни Европанинг қоқ марказида фашист-хортичилар давлатининг, агрессия плацдарми, уруш ўчоғининг тикланишига йўл қўймаслик учун венгер халқига ёрдам берган совет жангчиларини бадном қилингиз, деб топшириқ берилган эди.

Советларга қарши ва коммунистларга қарши талваса вазияти вужудга келтириш йўлидаги уринишларнинг мақсади шуки, бу билан қора реакция кучларининг ҳамма мамлакатлардаги демократик кучларга қарши олиб бораётган курашларини осонлаштирмоқчи бўлдилар. Лекин реакцион пропаганда ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатишга ҳар қанча уринса ҳам, барибир ҳақиқат юзага чиқади.

Венгриядаги воқиаларнинг ҳақиқий моҳияти

Хўш, Совет Иттифоқида бўлган маълумотларга қараганда, ҳақиқатда Венгрияда нималар юз берди?

Фактлар шуни кўрсатадики, Венгриянинг илгариги раҳбарлари умумий сиёсий масалаларда ва ўзларининг иқтисодий сиёсатларида қўпол хатоларга ва бузилишларга йўл қўйганлар. Бу хатолар, шунингдек Венгриянинг халқ хўжалигини реконструкция қилиш даврида вужудга келган иқтисодий қийинчиликлар аҳолининг бир қисми орасида ҳақконий норозилик туғилишига сабаб бўлди, улар камчиликларни ва хаталарни тугатишни талаб қилдилар. Бу талабларга Венгриянинг кўпгина раҳбар арбоблари ҳам қўшилдилар.

Венгриянинг илгариги раҳбарлиги томонидан йўл қўйилган оғир хаталарга ва бузилишларга халқ оммасининг 23 октябрда қарши бўлиб чиққанлиги мутлақо қонуний ҳаракат бўлди. Бироқ, орадан кўп ўтмай реакцион фашист элементлар бу соғлом ҳаракатдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уриндилар, халқ-демократик тузумни қўпоришга ва уни ағдариб ташлашга интилдилар. 23 октябрдаёқ Будапештда яхши ниятлар билан руҳланган бирталай меҳнаткашларнинг намойиши бўлаётган вақтдаёқ контрреволюцион подпольенинг раҳбарлари олдиндан тузиб қўйилган қуролли группаларни кўчаларга чиқардилар. Бу группалар Будапештда оммавий тартибсизликларни иғво йўли билан бошлаб юбордилар, кейин бу тартибсизликлар халққа қарши кучларнинг исёнига айланди.

Венгрия ҳукумати бу исённи тезроқ тугатишга интилиб, СССР ҳукуматидан Варшава шартномасига биноан Венгрияда турган совет ҳарбий қисмларини Будапештда тартиб ва осойишталик ўрнатиш топширилган венгер органларига ёрдамлашиш учун жалб қилишга розилик беришини сўради. Венгрия Халқ Республикасининг Министрлар Совети раиси томонидан СССР Министрлар Советига 1956 йил 24 октябрда юборилган телеграммада бундай дейилган эди:

«Венгрия Халқ Республикасининг Министрлар Совети номидан Совет Иттифоқи ҳукуматидан Будапештда бошланган тартибсизликларни тугатмоқ учун, тартибни тез тикламоқ ва тинч ижодий меҳнат шароитини вужудга келтирмоқ учун совет қўшинларини ёрдамга юборишни сўрайман».

Бу илтимос венгер халқининг мамлакатда тартибни тез тиклаб олиш йўлидаги хоҳишини акс эттирган эди. Кейин реакцион кучларга берилиб, социалистик давлат позицияларини қўлдан берабошлаган ҳатто Имре Надьнинг ўзи ҳам 25 октябрда Венгрия ҳукумати бир неча кундан кейин Венгрия ҳукумати билан келишиб, қўшинларни Венгрия пойтахтидан олиб чиқиб кетиш тўғрисида фармойиш берди.

Хўш, кейин нима бўлди? Совет қўшинлари Будапештдан чиқиб кетганларидан кейин реакцион кучлар ўзларининг ниқобларини олиб ташладилар ва Венгриянинг демократик арбобларидан, соф виждонли венгер ватанпарварларидан шафқатсизлик билан ўч олабошладилар. Венгрия ўч ва мана шу оғир кунларда фашистлар Будапешт кўчаларида соф виждонли ватанпарварларни сим ёғочларга осавердилар. Улар госпиталларга бостириб кириб, ярадорларни ўққа тутавердилар. Улар заводларни тор-мор қилдилар, театрлар ва музейларга ўт қўйдилар. Исёнчилар Будапештдаги миллий музей биносига ўт қўйгандан кейин музейдаги қимматбаҳо бадиий асарларни сақлаб қолишга уринаётган ўт ўчирувчиларни ва солдатларни автоматлар ва пулеметлардан ўққа тутдилар Гитлернинг лаънати даврида бўлгани каби Будапешт кўчаларини гулханларнинг алангаси қоплади. Бу гулханларга венгер ватанпарварларининг жасаднари ташланиб, керосин қуйилиб ёндирилаверди. Яна бошқа шу гулханларда, худди Гитлер даврида бўлганидек, китоблар, прогрессив ёзувчиларнинг ва инсоният мутафаккирларининг ўлмас асарлари ёндирилаверди.

Шундай қилиб, Венгрияда халқ-демократик тузумни ағдариб ташлашга қаратилган реакцион кучлар тобора биринчи ўринга чиқавердилар. Бу кучлар социалистик революция ғалабаларини йўқ қилишга ҳаракат қилдилар, национализация қилинган корхоналарни, давлат магазинларини тор-мор келтирдилар, транспорт ва алоқа воситаларини ишдан чиқардилар.

Кундан-кунга ҳаддан ошаверган контрреволюция кучлари бошқарув жиловини қўлдан чиқариб юборган Имре Надь ҳукуматини исёнчиларга кўмаклашиш йўлига тобора итаравердилар. Илгариги хортичи офицерлар ва жандарм офицерлари тобора кўпроқ активлашдилар. Контрреволюция оқ террор бошлаб, ўзининг ҳақиқий башарасини бутун халқ олдида очиб кўрсатди. Яхши ниятлар ва қуролланган контрреволюцион шайкалар ўз қўлларига тушган юзлаб ишчиларни, деҳқонларни, интеллигентларни, прогрессив кишиларни ваҳшиёна ўлдиравердилар.

Мен фақат капиталистик мамлакатларда чиқаётган ва коммунистларга хайрихоҳлик қилади деб гумонсираш қийин бўлган газеталарда эълон қилинган баъзи фактларнигина айтиб бераман. Чунончи, Ассошиэйтед Пресс агентлиги 31 октябрда тарқатган ўзининг хабарида бундай деб ёзди: Венгрия пойтахтида «маҳфий полиция аъзолари» «ов» қилинаётир (ҳақиқатан ҳам ов қилинаётир, деб ёзилган). «Коммунистик партиянинг Будапештдаги штаб-квартираси учун бўлган жанг вақтида 30 октябрь сешанба куни ахир қилиб олинган маҳфий полициянинг 130 ходими оёғидан осиб қўйилди ва ўлгудек калтакланди». Венгрия меҳнаткашлар партиясининг мана шу мудҳиш оломонда қурбон бўлган аъзолари «маҳфий полиция ходимлари» деб ёлғон хабар тарқатилганлиги фашист қотилларни оқламайди. Бу ёлғон уларнинг разилона башарасини тағин ҳам яққолроқ кўрсатиб, уларнинг жамоатчилик судидан қўрқанликларини билдиради.

Ғарбий Германияда чиқадиган «Ди вельт» газетасининг махсус мухбири Будапештдан юборган хабарида, юзлаб венгер ватанпарварлари отилганлигини, осилганлигини, сувга ташланганлигини айтди. Жумладан, у шундай бир фактни келтирди: фашист исёнчилар венгер ватанпарварларидан 40 кишини асир қилиб олиб, уларни ер тагидаги галереяга тириклайин кўмиб ташлаганлар, ўлимга маҳкум этилган бу одамларнинг тақиллаттан овози ер тагидан анча вақттача эшитилиб турган.

Ғарбий Германия социал-демократик партиясининг органи «Форвертс» газетаси ҳам Венгрияда контрреволюция авж олган кунларда ҳеч бир гуноҳсиз кишилар қўплаб ўлдирилганлигини таъкидлади. «Терроччилар,—деб ёзди газета,—фақат коммунистларнигина эмас, уларнинг оила аъзоларини—болаларни, хотин-қизларни ҳам ўлдиравердилар». «Нью-Йорк геральд трибюн» газетасининг махсус мухбири ҳам «жуда кўп бегуноҳ кишилар исёнчилар томонидан қурбон қилинди», деб Будапештдан хабар берди.

Хўш, мана шу жиноятларнинг ҳаммасини бевосита кимлар ташкил қилди? Ишчиларми? Деҳқонларми? Интеллигенциями? Йўқ, бу жиноятларни собиқ эксплуататорларнинг юқори табакаси ташкил қилди. Венгрия ҳукумати бу ҳужумга қаршилик кўрсатишга ундалай олмаслиги ҳеч ким учун сир эмас. Бу ҳатто реакциянинг таъсири остида миллат демократик кучларининг вакилларини ўз составидан бирма-бир четлаштираверди. Ниҳоят, Надь ҳукумати мамлакатда фашистлар диктатурасини ўрнатишга интилаётган реакция ўз позицияларини топшириб, тарқалиб кетди. Венгрияда бебошлик бошланди.

Дастлабки пайтда воқиаларнинг моҳиятига тушунмай исёнга даъват қилувчиларнинг иғвогарликдан иборат чақириқларига озми-кўпми берилган меҳнаткашларнинг қисми мана шу оғир вазиятда ўзига келабошлади. Венгриядаги халқ-демократик кучлар фашизмга қаршилик кўрсатишни ташкил қилабошладилар. Соф виждонли давлат арбоблари Надь ҳукумати мамлакатда ҳўжайинлик қилабошлаган фашистлар реакцияси учун фақат парда бўлиб қолганлигига ишонганларидан кейин, унинг ҳукуматини ташлаб чиқдилар. Надь ҳукуматидаги бош министр ўринбосари Янош Кадар янги Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукуматини тузди. Бу ҳукумат венгер халқининг демократик ғалабаларини сақлаб қолишни, халқ-демократик тузумни ҳимоя қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Эски хортичи-фашистлар режимини тиклашга уринаётган реакцион фашист шайкаларни тор-мор келтирмасдан туриб, бу вазифани бажариб бўлмас эди.

Янги ҳукумат фашизм кучларининг ҳужумини қайтариш, мамлакатда тартиб ва нормал турмушни тиклаш ишида ёрдам беришни сўраб, Совет Иттифоқига мурожаат қилди. Совет ҳукумати ўчун бу масалани ҳал қилиш осон эмас эди. Биз бир мамлакат қўшинларидан бошқа мамлакатда фойдаланиш вақтида муқаррар келиб чиқадиган қийинчиликларни яхши билар эдик. Бироқ, совет ҳукумати дўст Венгриянинг тақдирига индамай қараб турааолмас эди.

Ҳаммага маълумки, совет халқи Европани фашистлар асоратидан қутқариш учун, шу жумладан, Венгриянинг озод қилиш учун қурашда ўзининг миллион-миллион фарзандларини қурбон берди. Эндиликда эса, венгер халқи яна фашистлар реакциясига асир бўлиб қолиш хавфи остида қолди.

Эндиликда, гитлерчи галалар иккинчи жаҳон урушида тор-мор келтирилганидан кейин орадан 12 йил ўтгач, венгер ва совет кишилари контрреволюцион исён қатнашчилари олдида чекиниб, Европанинг марказида фашизм ўчоғининг тикланишига йўл қўйганларида эди, венгер меҳнаткашларининг ва Венгрияни фашистлар асоратидан озод қилиш учун жуда кўп қурбонлар берган совет халқининг бу гуноҳини тарих ҳеч қачон кечирмаган бўлур эди.

Совет кишилари Венгрия Халқ Республикасига нисбатан ўз бурчларини бажармасликлари мумкин эмас эди. Айниқса шуни назарда тутиш керакки, Венгрия билан тузилган ва АҚШ билан Англиянинг ўзи ҳам қўл қўйган сулҳ шартномаси Венгрия территориясидаги барча фашист ташкилотларни тарқатиб юборишнигина кўзда тутиб қолмасдан, шу билан бирга бу хилдаги ташкилотларнинг яшашига ва ишлашига бундан буён асло йўл қўймаслик мажбуриятини ҳам Венгриянинг устига юклаб қўйган эди.

Венгрия Совет Иттифоқи билан қўшни мамлакат эканлигини ва СССР дўстлик ва ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Варшава шартномаси орқали, яъни бир группа давлатларни бирлаштирган шартнома орқали Венгрия билан боғланганлигини ҳам ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас эди. Реакцион кучлар Венгрияда ғалаба қиладиган бўлсалар, бу ғалаба Венгрияни фақат Совет Иттифоқига қарши агрессив уруш учунгина эмас, шу билан бирга Шарқий Европадаги бошқа мамлакатларга қарши агрессив уруш учун ҳам янги плацдармга айлантирган бўлур эди. Биз аминмизки, қўшни мамлакат билан дўстлик аҳдлари орқали боғланган ҳарқандай демократик ҳукумат Венгрия сингари мамлакатнинг ёрдам сўраб қилган мурожаатига қулоқ солмай ўтаолмас эди.

Венгриянинг революцион кучлари исёнчиларни Совет Армияси қисмларининг ёрдами билан қисқа муддат ичида зарарсизлантирдилар. Венгрия ҳукумати ўзи эълон қилган демократик программани амалга ошириб, мамлакатнинг турмушини нормаллаштирмоқда.

Баъзи нотиқлар шу минбардан сўзлаб, Совет Армиясига туҳматлар қилишни ўзларига эп кўрдилар. Уларнинг бу туҳматлари янгилик эмас. Кейинги ҳафталарда газетахонларнинг ва радио эшитувчиларнинг кенг доираларига Венгриядаги воқиалар ҳақида ёлғон ва бўлмағур уйдирмалар ёғдирилмоқда. Венгрия учун фожиона кунларда хортичи-фашист фитначилар томонидан қилинган энг оғир ва қонли ёвузликлар Совет Армияси жангчиларига мислсиз сурбетлик билан тўнкалмоқда. Ваҳоланки, Совет Армияси жангчилари мана шу фашист фитначилар ва жаллодларни жиловламоқ ва зарарсизлантирмоқ учун ўз жонларини аямай, фидокорлик билан ҳамма чораларни кўрдилар.

Мен бу ерда Совет Армиясини ҳимоя қилиб ўтиришнинг, унинг маънавий қиёфаси тўғрисида, унинг принциплари тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ҳисоблайман. Совет Армияси бунга муҳтож эмас. Фашистларнинг қалқонли галалари Европани босиб олиб, ўлим ва вайронгарчилик сочиб турган вақтларида, минг йиллар давомида вужудга келтирилган цивилизация оёқ ости қилиниб, ер билан яксон бўлиб кетади, деган хавф туғилган бир пайтда, худди Совет Армияси гитлерчилар вермахтининг асосий кучларини тор-мор келтириб, жаҳонни фашистлар асорати хавфидан қутқариб қолганлигини бутун дунё билади. Совет жангчилари мана шу мислсиз тўқнашишларда бутун дунёга ўзларининг қаҳрамонликларинигина кўрсатиб қолмасдан, шу билан бирга ўзларининг юксак маънавий принципларини ҳам кўрсатдилар. Асрлар ўтар, аммо миннатдор инсоният Совет Армиясининг бу қаҳрамонлигини ҳурматлайверади ва шуҳратлайверади.

Шунинг учун ҳам туҳматчиларнинг ҳеч қандай ёлғонлари ва ҳеч қандай иғво, ва бўҳтонлари, Совет Армиясига асло ёпишмайди.

Халққа қарши исённи ташкил этишда чет эл реакциясининг роли

Энди мен муҳокама қилинаётган масаланинг яна бир аспектига тўхталиб ўтмоқчиман.

Бизнинг ихтиёримизда бўлган фактлар ва маълумотлар шу нарсани жуда яққол кўрсатиб турибдики, Венгриядаги халқ-демократик тузумга қарши фашистлар исёнини бошлашга кўпдан бери тайёрланиб келган чет эллик гиж-гижловчилар Венгриядаги ички контрреволюция ҳаракатига кирган пайтдан бошлаб уни қувватламаганларида эди, Венгрияда бўлган воқиалар бутунлай бошқача тус олган бўлур эди ва қон тўкилишига сабабчи бўлмаган бўлур эди. Аслини олганда чет эллардаги қўпорувчи марказларнинг бу фаолияти ҳеч кимга сир эмас. Бу фаолият билан хусусий группалар ёки ташкилотлар шуғулланаётгани йўқ. Бу фаолиятга юқори ҳукумат доираларига бўйсундирилган ва давлат бюджетида турган давлат муассасалари раҳбарлик қилмоқда.

Масалан, шу нарса характерлидирки, социалистик давлатларга қарши қилиниши лозим бўлган қўпорувчилик ишларининг муфассал планини ўз ичига олган ҳужжат Америка сенатининг қарори билан ўтган йил конгресс протоколларига киритилган эди. Бу план, жумладан, «қаршилик кўрсатиш операцияларига раҳбарлик қилмоқ учун, пропаганда юритиш, қўпорувчилик ишлари қилиш учун», шу мамлакатларга «ўтиб олиш» учун махсус кадрлар тайёрлашни кўзда тутган эди. План автори Дэвид Сарнов бундай деб ёзди: «Совуқ муносабатлар уруши учун кадрлар тайёрлаб берадиган бир қанча мактаблар ва университетлар очишимиз керак. Буларнинг мақсади томмаъноси билан илм бериш эмас, балки идеология-психология урушининг интеллектуал, техника, разведка ва бошқа эҳтиёжлари учун кишиларни махсус тайёрлашдан иборатдир... Сиёсий уруш академияси тузилиши мумкин бўлур эди».

Ғарбдаги кўпгина органлар демократик мамлакатлардаги мавжуд давлат тузумини ағдаришга даъвот қилмоқ учун узоқ вақтлардан бери пропаганданинг ҳамма воситаларидан фойдаланмоқдалар, улар Германия Федератив Республикасининг ва Австриянинг территорияларида махсус «марказлар» тузиб, Шарқий Европа давлатларига қарши планли равишда қўпорувчилик ишларини олиб бормоқдалар, шу жумладан мазкур давлатларнинг территорияларига жосуслар ва қўпорувчи группалар юбормоқдалар.

1955 йилнинг ўрталаридан бошлаб, АҚШ ҳукмрон доираларининг Венгрия ички ишларига аралашуви сезиларлик равишда кучайиб кетганлиги тасодифий эмас эди. АҚШ расмий раҳбар арбобларининг венгер халқига мурожаат қилиб, қонуний ҳокимиятни ағдаришга даъват қилишлари; вакиллар палатаси шу йил 16 апрелда резолюция қабул қилиб, халқ демократияси мамлакатларини «озод қилишга» очиқдан-очиқ даъват қилганлиги; ғарбдаги баъзи мамлакатларда бўлган радиостанциялар қўпорувчиликка чақирувчи эшиттиришларни систематик равишда бериб турганликлари; ҳаво шарлари ёрдами билан туҳмат варақалари кўплаб тарқатилиб келганлиги; венгер эмиграциясидан бўлган разил фашистлар ошкора қўллаб-қувватланганлиги; Венгрияга жосуслар ва диверсантлар юборилиб турганлиги—мана шуларнинг ҳаммаси, энди маълум бўлишича, халққа қарши маҳфий равишда тайёрланган фитнага қўмаклашиш мақсадини кўзлаган.

Сизлар шуни яхши биласизларки, Шарқий Европа мамлакатларига қарши АҚШнинг қўпорувчилик ишларини олиб боришини Америка конгресси қонунлаштириб берган ва, ҳаттоки, бу қўпорувчилик иши расмий сиёсат даражасига ҳам кўтарилган. Давлат практикасида шу дамгача кўрилмаган ва ҳукуматга қўпорувчилик ишлари олиб бориш учун 100 минг доллар пул сарфлашга руҳсат берган қонун АҚШда биринчи марта қабул қилинганида Бош Ассамблеяда қандай қизғин музокаралар бўлганлигини бир эслаб кўринг! Ўша қонунда, бу пуллар «Совет Иттифоқида, Польшада, Чехословакияда, Венгрияда, Руминияда, Болгарияда, Албанияда», шунингдек Германия Демократик Республикасида ва бошқа мамлакатларда яшаб турган ва танлаб олинган ҳар қандай кишилар учун ҳамда «шу мамлакатлардан ёки районлардан қочиб кетган шахслар учун» ёхуд «шу шахслардан Шимолий Атлантик шартномасини қўллаб-қувватловчи қуролли кучларнинг бўлинмаларини тузиш учун, ёки бошқа мақсадлар учун» белгиланган деб дангал айтилган.

Америка дипломатлари ўша вақтда БМТ минбаридан туриб, сиз бу қонунни нотўғри тушунмоқдасиз, гап сира қўпорувчилик ишини олиб бориш учун маблағ сарфлаш устида эмас, балки қочоқларга иона тарзида ёрдам кўрсатиш тўғрисида бораётир деб исботлашга уринган эдилар. Аммо бу қонуннинг ҳозиргина келтирган мисолим бу қонуннинг қандай эканлигини кўрсатиб туради, унинг авторлари назарда тутган ишларни, яъни социалистик давлатларнинг территорияларида яшаб турган ва Америка разведкаси томонидан танлаб олинган шахсларни пул билан таъминлашни ва улардан қўпорувчилик ишлари учун ҳар қандай методлар билан, шу жумладан бу шахслардан «қуролли кучлар бўлинмалари» тузиш йўли билан ҳам фойдаланишни назарда тутганликларини кўрсатади.

(ОХИРИ ТУРТИНЧИ БЕТДА).

СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов нутқининг охири

Ушандан буён АҚШда бундай қонунлар йил сайин қабул қилиниб келди ва қўпорувчилик ишлари учун юзларча миллион доллар маблағлар дарё бўлиб оқди. 1956 йил 18 июлдаги 726-сонли қонунга биноан 1956 — 57 молия йилида ана шундай фаолият учун яна юз миллион доллар ажратилди. Бундан ташқари қонунларда қўпорувчилик мақсадлари учун бу суммадан ташқари бошқа баъзи фондлардаги маблағларни сарфлаш ҳуқуқи ҳам берилган.

Кейинги йиллар давомида Венгрия Халқ Республикасида чет мамлакатлардан пул билан таъминланиб турган жуда кўп қўпорувчи группалар фош қилинди. Шу муносабат билан Венгрия халқ Республикаси ҳукумати баъзи ғарб давлатларининг Венгриянинг ички ишларига қўпол равишда аралашаётганлигига қарши неча марталаб норозилик билдирган эди. Шундай қилиб, Венгриядаги контрреволюцион исён кўп вақтдан бери тайёрланиб келган, планли равишда ва пухта тайёрланган, бу тайёргарликка ташқи кучлар ҳам актив аралашмасдан қолмаган. Ўзўзидан маълумки, бу тайёргарлик маҳфий равишда олиб борилган, лекин хабардор кишиларнинг баъзилари гоҳо-гоҳо бу сирни очадиган гапларни айтиб қўяр эдилар.

Чунончи, ҳаммага маълум американинг обзорчи Дрю Пирсон «Дейли Миррор» газетасида 8 ноябрда босилиб чиққан мақоласида чет элдаги реакцион венгер эмиграциясининг бошлиқларидан бири бўлган Бела Фабианнинг суҳбат вақтида айтган баъзи гапларини келтиради: «Венгер халқи қўзғолон кўтаради... Сизлардан сал ёрдам олиб, Венгрия алангадек ловиллаб кетади... Сизларнинг ҳаво шарларингиз ёрдам берди».

АҚШдаги венгер эмиграция марказининг раҳбари бўлган Бела Варга Венгриядаги қонли воқиалар арафасида Нью-Йоркда сўзлаб, Венгриядаги подпольеда бўлган доиралар жуда яқин орада исён бошлайдилар деб айтганларини ҳам эса олмаслик мумкин эмас. Варга бир-икки ҳафтадан кейин Имре Надь ҳокимият тепасига қайтиб келади, кардинал Миндсенти эса тюрьмадан чиқади деб «каромат қилиб айтган» эди.

Ҳатто Американинг баъзи газеталари Венгриядаги исённинг барбод бўлганлигини шарҳлаб, муайян чет эл доираларининг Венгрияда қон тўкилишига сабаб бўлганликлари учун оғир жавобгар эканликларини ҳозир эътироф қилишга мажбур бўлмоқдалар. Масалан «Нью-Йорк уорлд телеграмм энд Сан» газетаси «Бунга биз айблимиз» деган характерли сарлавҳа остида берган мақоласида, исёнчиларни гиж-гижлаган америкаликларни қойиб улар Венгриядаги реакцион подпольеда «сохта умидлар» туғдирган эдилар, деб ёзади. «Бизнинг пропагандамиз деб ёзади газета, уни биз ҳар қанча яхши тарзда олиб боришга уринган бўлсамиз ҳам, уларда **«американликлар ёрдамга келади»,** деган таассурот туғдирган эди».

Контрреволюцион исён барбод бўлганидан кейин Венгриядан қочиб кетган фитна қатнашчилари ҳозирги вақтда, биз қўлимизга қурол олган вақтимизда бизга ваъда қилинган ҳарбий ёрдам кўрсатилади деб қатъий умид қилган эдик деган гапларни ошкора айтмоқдалар. Исёнда қатнашган, кейин Австрияга қочиб кетганлардан бири «Дейли ньюс» газетасининг маҳсус мухбирига ниималарни айтганига қулоқ солинг! «Бақувват катта Америка бизларни шунга йўллади...» У ҳал қилувчи пайтда АҚШ ўзининг қуролли кучларини исёнчиларга ёрдамга юборманганликлари тўғрисида нолиб, «Америка Будапештда ўзининг энг яхши армиясини йўқотди», деб айтди.

«Крисчен Сейенс Монитор» газетаси эса 12 ноябрда «Венгриядаги исёнчилар ғарб пропагандасининг гапларига алдандилар, деб хабар бермоқдалар» деган сарлавҳа остида мақола босиб чиқарди. Бу мақолада тўппа-тўғри бундай дейилади: «Қўшма Штатларга қочиб келган венгер қўзғолончиларининг кайфиятида энг катта ўринни олиб турган нарса шуки, улар Ғарбдан хафсаламиз пир бўлди деб нолимоқдалар». Газетанинг ёзишига қараганда катта-катта ваъдалар олган фитначилар Ғарб «бизга фақат сўздагина хайрихоҳлик қилиб қолмасдан, шу билан бирга қатъий равишда ва тезлик билан сиёсий ва, зарур бўлиб қолса, ўзининг ҳарбий (ман бу ерда ҳарбий деган сўзни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман) ҳаракатлари билан ҳам ёрдам беради» деб қаттиқ ишонган эдилар.

Мана энди, фашистлар авантюраси барбод бўлганидан кейин, Венгрияда тукилган қонлар учун жавобгарликнинг анчагина қисми ўз зиммасида бўлган кишилар венгер халқи азоб-уқубатда қолди деб муносаблик билан кўз ёши тўкмоқдалар. Венгер халқига ўз демократик талабаларини қаттиқ туриб сақлаб қолишда ва ўзининг миллий мустақиллигини қутқариб қолишда ёрдамлашганларга улар ахлоқ ва одоб ўргатмоқчи бўладилар. Бундан кўра ҳам ёмонроқ мунофиқлик бўладими, ахир, жаноблар?

Аҳволни тўла равишда нормаллаштириш — венгер халқининг ўз ишидир

Бу ерда бизга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти венгер давлатининг ички ишларига аралашсин деб таклиф қилмоқдалар. Венгрияда тартиб тикланиб турган бир пайтда, Венгрия Халқ Республикаси ҳукумати ўзи эълон қилган катта конструктив программани амалга оширишга киришган бир вақтда бизга аслини олганда Венгриянинг халқ демократик тузумига қарши курашни яна авж олдиришни тавсия қилмоқдалар. Венгрияга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Полиция кучлари» юборилсин, деб бу ерда масъулиятсизлик билан қилинган даъватларни ва шу каби гапларни фақат шу тахлитдагина тушуниш мумкин. Бундай таклифларнинг ташаббусчилари ўзларини, бу хилдаги тадбирлар тинчликни мустаҳкамлаш эмас, балки тинчлик ишини хавф остида қолдириши мумкинлигини тушунаётган кишилар қилиб кўрсатмоқдалар.

Венгрия ўз бошига тушган оғир кулфатлардан ўзини тезроқ ўнглаб олишига, фашист исёнчилар етказган жароҳатларни тезроқ тузатиб олишига ҳақиқатан манфаатдор бўлган кишилар ҳозирги вақтда мамлакатда ижтимоий турмушни нормаллаштириш соҳасида авж олдирилаётган ишга ҳалақит бермаслиги лозим.

Ҳозирги вақтда Венгрия нималарга ҳаммадан кўра кўпроқ муҳтож бўлмоқда? Бизнинг фикримизча, Венгрия тинчлик ва осойишталикка, иқтисодий турмушни йўлга қўйиш ва юксалтириш ишида ғайрат билан ишлашга, нормал давлат ва ижтимоий фаолиятни тиклаб олишга муҳтождир. Муайян доиралар томонидан ўтказилаётган ва Куба делегациясининг резолюциясида ҳам, шунингдек шу минбарда сўзлаган баъзи нутқларда ҳам ўз ифодасини топган исёнчиларни гиж-гижлатиш йўли бунга ёрдам бериши мумкинми? Йўқ, бу йўл Венгрияга ёрдам беришга қаратилган йўл эмас, балки ундаги ижтимоий ва иқтисодий турмушни издан чиқаришга қаратилган йўлдир.

Ҳозирги вақтда венгер халқи моддий ёрдамга муҳтождир. Бош Ассамблея бу масалада ўз қарашларини баён қилиб берди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар ҳозирги вақтда Венгрияга кенг миқёсда ёрдам кўрсатмоқдалар. Шуни айтиб ўтиш кифоядирки, ҳар кун Венгрияга Совет-Венгрия чегараси орқали 700 га яқин вагон озиқ-овқат, бинокорлик материаллари, асбоб-ускуналар ортиб ўтиб турибдилар. Маълумки, бошқа кўп мамлакатлардан ҳам Венгрияга ёрдам келмоқда.

Совет делегацияси «Венгрия масаласи» деб аталган масала атрофида шовқин-сурон кўтармасдан, балки бу мамлакатда тезроқ тартиб, тинчлик ва осойишталик ўрнатишни осонлаштирмоқ учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўриш ҳозирги вақтда асосий вазифадир деб ҳисоблайди. Венгрия ишчи-деҳқон ҳукумати кенг конструктив тадбирларни амалга оширишга киришди. Бу эса демократик Венгриянинг бошқа социалистик давлатлар оиласида туриб, ҳамма давлатлар билан амалий дўстона муносабатларни ривожлантириб, тинчлик ва тараққиёт йўлидан муваффақият билан олга боришига гаровдир.

Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикасининг муносабатларига келганда, социалистик давлатлар ўртасидаги муносабатларга негиз бўлаётган асосий принциплар ҳаммага маълумдир. Умумий идеаллар билан бирлашган социалистик давлатлар ўзларининг ўзаро муносабатларини тўла тенг ҳуқуқлилик, территориал бутунликни, давлат мустақиллигини ва суверенитетни ҳурматлаш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик асосида қурмоқдалар. Бу эса социалистик мамлакатларнинг ҳамма соҳаларда яқиндан туриб қардошларча ҳамкорлик қилишларини ва бир-бирларига ёрдамлашишларини истесно қилмайди, балки аксинча шуни тақоза қилади. Бу принциплар СССР ҳукуматининг 1956 йил 30 октябрдаги декларациясида яна бир марта таъкидланди. Совет ҳукумати бу декларация принципларини қатъият ва изчиллик билан амалга ошира боради.

Совет қўшинларининг Венгрияда бўлиши масаласи ҳам мазкур декларацияга мувофиқ ҳал қилинади. Венгрия пойтахтидаги аҳвол нормаллаштирилган ҳамона совет қўшинлари Венгрия ҳукумати билан келишиш асосида Будапештдан дарҳол олиб чиқиб кетилади. Шу билан бирликда Совет ҳукумати Варшава шартномасининг қатнашчиси бўлган Венгрия Халқ Республикаси ҳукумати билан совет қўшинларининг Венгрия территориясида туриши масаласи устида тегишли музокаралар бошлайди.

Совет Иттифоқи бирон мамлакатнинг қўшинлари бошқа мамлакатларнинг территориясида туришига асло тарафдор эмас. Ҳиндистон бош министри Неру жанаблари яқинда сўзлаган нутқида, Осиёда ҳам, Европада ҳам ҳарбий пактларга қарши эканлигини, қўшинларнинг бошқа мамлакатларда жойлаштирилишига ва чет давлатларга бошқаларнинг территориясида ҳарбий базалар қуришларига ижозат берилишига қарши эканлигини яна бир марта айтди, биз унинг бу гапларига қўшиламиз. Қуролли кучларни камайтиришнинг бошқа давлатларнинг территорияларидаги чет эл ҳарбий ҳаво, ҳарбий денгиз базаларининг ҳаммасини муайян муддат ичида батамом тугатиб, кейин ёпасига қуролсизланишнинг кенг ва самарали программаси 17 ноябрда Совет ҳукуматининг қуролсизланиш ва халқаро кескинликни камайтириш масаласи юзасидан чиқарган баёнотида баён қилиб берилди.

Совет делегацияси Куба делегацияси томонидан киритилган резолюцияни халқаро вазиятни заҳарлашга қаратилган туҳматдан иборат қалбаки бир нарса деб рад этишни таклиф қилади. Агар биз «Венгрия масаласи» деб аталган масалада сиёсий спекуляция қилиш воситаси билан Бирлашган Миллатлар ташкилотининг эътиборини тезлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган энг зарур халқаро проблемалардан ва биринчи навбатда Англия, Франция ҳамда Исроилнинг Мисрга қарши қилган агрессиясига қарши тугилган проблемалардан (чунки бу ердаги вазият ҳозир ҳам жуда катта хавф-хатар туғдириши мумкин) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг эътиборини четга тортмоқчи бўлганларга жиловини бериб қўядиган бўлсак, халқлар бизнинг бу гуноҳимизни кечирмайдилар.

Жаноблар! «Совуқ муносабатлар» урушининг ларзаларини жаҳонда яна тугдирмоқ учун, халқаро кескинликни кучайтирмоқ учун муайян доиралар бутун кучларини сарфлаётган ҳозирги масъулиятли пайтда ҳар қайсимизнинг бурчимиз шуки, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик ишини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, мумкин бўлган ҳамма чораларни кўришимиз лозим. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг улуг вазифаси шуни талаб қилади.

Совет Иттифоқи тинчлик учун ва халқлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик қилиниши учун курашиб келди ва курашмоқда. Тинчлик ишини ва халқлар хавфсизлигини кун сайин мустаҳкамламоқ учун ҳар бир имкониятдан қатъият ва қунт билан фойдалана берамиз.

Будапештда аҳвол

БУДАПЕШТ, 19 ноябрь. (ТАСС). Будапешт ишчилар кенгашининг чақириғига мувофиқ бугун Чепель металлургия ва машинасозлик комбинати, вагонсозлик ва кемасозлик заводлари, МОМ оптика заводи ва пойтахтдаги бошқа кўпгина корхоналар янгидан ишлай бошлади. Завод ва фабрикаларни зарур хомашё, ёқилғи ва электр қуввати билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Контрреволюцион унсурларнинг қарши ҳаракатларига ва баъзан эса бевосита террорчилик ҳаракатларига қарамай, Будапештдаги бир қанча автобус линияларида қатнов бошланди, шаҳар атрофидаги темир йўл алоқаси йўлга қўйилди. Шаҳар транспортининг яқин кунларда тўла равишда ишга тушиши учун ҳамма имкониятлари бор.

Вилоятлардан Будапештга кўп миқдорда ун, гўшт, сабзавот, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Магазинлар тўхтовсиз ишлаб турибди ва шаҳарда озиқ-овқат аҳволи тез нормаллаштирилмоқда.

Бугун пойтахтда коммунал-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари — кирхоналар, сартарошхоналар ва шу каби муассасалар янгидан ишга тушди.

Бугун Венгрия меҳнаткашлари сингари Будапешт меҳнаткашлари ҳам мамлакатнинг иқтисодий ҳаётини тезроқ тиклашга интилмоқдалар. Террорчилар ва саботажчиларнинг ўз қўпорувчилик ишларини олиб боришлари тобора мушкуллашмоқда.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XI СЕССИЯСИ

19 ноябрдаги ялпи мажлис

НЬЮ-ЙОРК, 19 ноябрь. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеясининг бугун эрталабки ялпи мажлисида «Венгрия масаласи» деб аталган «масала» юзасидан дискуссия бошланди.

АҚШ делегацияси ва АҚШга эргашувчи мамлакатларнинг делегациялари жаҳон жамоатчилигининг фикрини Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши агрессиясидан четга тортиш, Венгрия Халқ Республикасининг ички ишларига аралашиш ниятида бу масаланинг муҳокама қилинишини Бош Ассамблеяда қабул қилдирдилар.

Мажлис бошида Венгрия Халқ Республикаси вакили Э. Шик сўз олди. У «Венгрия масаласининг» муҳокама қилинишига норозилик билдирди ва Венгриядан кишиларнинг «кўплаб сургун қилинаётганлиги» тўғрисидаги туҳматдан иборат уйдирмаларни фош қилиб ташлади. Э. Шик Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг 18 ноябрдаги расмий ахборотини ўқиб эшитдирди. Унда «қамоққа олинганларнинг» Совет Иттифоқига «жўнатилаётганлиги» тўғрисидаги провокацион ёлғон овозалар рад қилинади ва «қамоққа олинган ҳеч бир кимса ҳақиқатда Венгрия территориясидан чиқарилмаганлиги» кўрсатилади.

Венгрия вакили «Венгриядаги аҳвол» тўғрисидаги провокацион маселанинг Бош Ассамблея кун тартибидан чиқарилишини талаб қилди.

Куба делегати Венгриядаги аҳвол тўғрисида ва Венгрия гражданларининг гўё Венгриядан сурғун қилинаётганликлари тўғрисида қўпол ва бесўнақай уйдирма туҳмат гапларни айтди.

Венгрия Халқ Республикаси ташқи ишлар министри И. Хорват «Венгрия масаласи» деб аталган масаланинг БМТда муҳокама қилинишига қарши қатъий норозилик билдирди. У бу масаланинг муҳокама қилиниши БМТ Уставига зиддлиги ва Венгриянинг ички ишларига аралашишдан иборат, деди.

И. Хорват таъкидладики, Венгрия ҳукуматининг қатъий билдирган норозиликларига қарамай, «Венгрия масаласи» БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ва Бош Ассамблеянинг кун тартибига қўйилди. Ҳолбуки, Венгрия ҳукумати «Венгрия масаласининг» муҳокама қилинишини ғайри қонуний деб, БМТ Уставини ва Венгрия суверенитетини бузиш деб ҳисоблаганлигини эълон қилган эди. Мен, деди И. Хорват, Венгриянинг ички ишлари ҳар қандай тарзда муҳокама қилинишига ўз ҳукуматим номидан қатъий норозилик билдираман.

Шундан кейин СССР Ташқи Ишлар Министри ўртоқ Д. Т. Шепилов сўз олди. (Ўртоқ Д. Т. Шепиловнинг нутқи газетамизнинг шу сонида эълон қилинади).

Д. Т. ШЕПИЛОВ Д. ХАММАРШЕЛЬД ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 ноябрь (ТАСС). Кеча СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов БМТ Бош секретари Д. Хаммаршельд ҳузурида бўлди ва у билан суҳбатлашди.

Д. Т. ШЕПИЛОВ СУРИЯ ВАКИЛИ ВА АВСТРИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ БИЛАН УЧРАШДИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 ноябрь (ТАСС). Кеча СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов БМТ Бош Ассамблеясининг XI сессиясида Сурия делегацияси бошлиги вазифасини бажараётган Ф. Зайниддин жаноблари, билан учрашди ва у билан узоқ суҳбатлашди.

НЬЮ-ЙОРК, 20 ноябрь (ТАСС). Кеча СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов Австрия ташқи ишлар министри Л. Фигле билан учрашди ва суҳбатлашди.

ПОЛЬША СЕЙМИДА

ВАРШАВА, 19 ноябрь. (ТАСС). Варшава радиосининг хабар беришича, сеймнинг бугунги мажлисида Министрлар Совети раисининг ўринбосари П. Ярошевич ишчи кенгашлари тўғрисидаги қонун проектини сеймга тақдим қилган.

НЕРУНИНГ БАЁНОТИ

ДЕҲЛИ, 19 ноябрь. (ТАСС). Ҳиндистон парламентининг халқ палатасида бугун Ҳиндистон ҳукуматининг ташқи сиёсати юзасидан музокаралар бошланди. Музокаларни бош министр Неру бошлаб берди. У, жумладан, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиндан қуролсизланиш тўғрисидаги масала юзасидан мактуб олганлигини айтди ва Ҳиндистон бу масалада ҳар қандай кўмак беришга тайёр, деди.

Неру Мисрдаги ва Венгриядаги аҳволга ҳам тўхталиб ўтди.

АГРЕССОРЛАРНИНГ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МИСРДАН ДАРҲОЛ ОЛИБ КЕТИЛСИН

Миср ҳукуматининг БМТ бош секретарига юборган нотаси

ҚОҲИРА, 19 ноябрь. (ТАСС). Англия, Франция ва Исроил БМТ резолюциясини бажаришдан бош тортганликлари муносабати билан Миср ҳукуматининг кеча БМТ бош секретари Хаммаршельдга топширилган нотасининг тўла тексти эълон қилинди.

1956 йил 16 ва 17 ноябрда, дейилади нотада, БМТ бош секретари билан Миср ҳукумати вакиллари ўртасида музокаралар бўлди. Миср ҳукумати бош секретарнинг эътиборини шу нарсага жалб қилдики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Исроилни ўз қўшинларини 1949 йилги битимда белгиланган яраш линиясининг ташқарисига олиб кетишга иккинчи марта даъват қилувчи, шунингдек Англия ва Францияни дарҳол ўз қўшинларини Миср территориясидан олиб кетишга даъват қилувчи қарорларни қабул қилганидан кейин 13 куни ўтган бўлса ҳам ҳеч қандай қуролли кучлар ҳали олиб кетилган эмас.

Аксинча, дейилади яна нотада, улар Мисрнинг суверен ҳуқуқларини поймол қилиб ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ва бутун дунёга, шунингдек Миср жамоатчилигига ҳамда бутун миср халқининг ҳисларига қарши бориб, Миср территориясида ўз позицияларини мустаҳкамламоқдалар. Шу билан бирга Миср ҳукумати БМТ бош секретарига маълум қилдики, бу қуролли кучлар Порт-Саидда ва канал зонасида граждан аҳолини ўққа тутиб, ўзларининг агрессив ҳаракатларини давом эттирмоқдалар, бу ҳаракатлар кўп қурбонларга сабаб бўлди. Бунинг устига хусусий уйлар ва магазинлар тинтув ва талон-тарож қилинмоқда, миср ишчиларини агрессив кучлар фойдасига ишлашга мажбур этмоқ учун жазо чоралари қўлланилмоқда ва зўравонлик қилинмоқда.

Миср ҳукумати БМТ бош секретарига маълум қилдики, Миср ҳукумати бундай агрессив ҳаракатларнинг дарҳол тўхатилишини қатъиян талаб қилади. Шу билан бирга, у Бирлашган Миллатларнинг уруш ҳаракатларини тўхатиш ва агрессив қуролли кучларни олиб кетиш тўғрисида 2 ва 7 ноябрдаги қарорларининг тўла ва қатъий амалга оширилишини талаб қилади. Айни бир вақтда Миср ҳукумати бош секретардан вужудга келган аҳволни БМТга маълум қилишни ва ушбу нотани Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳужжати сифатида БМТ аъзолари ўртасида тарқатишни сўрайди.

Исроил компартияси бош секретарининг баёноти

ТЕЛЬ-АВИВ, 19 ноябрь. (ТАСС). Исроил компартиясининг бош секретари Микунис «Кол Гаам» газетасила ёзадики, «Исроил ҳокимлари Исроилнинг миллий манфаатларига шу қадар катта зарар етказдиларки, ҳеч қандай душман бунчалик зарар етказа олмаган бўлар эди. Исроилдаги милитаристик доираларнинг империалистик калхатлар билан разилона тил бириктириши икки мақсадни, яъни Англия ва Франциянинг Миср ишларига ҳарбий йўл билан аралашишлари, бошқаларнинг территорияларини босиб олишлари ва бу территорияларни аннексия қилишлари учун баҳона топиш мақсадларини кузатди...

Исроил ўзининг келажаги учун энг таҳликали йўлни танлаб олди... Агар Исроил империалистик кучлар билан ҳамкорликни давом эттирса, у фожиага учрайди».

Исроил компартиясининг сиёсий йўли, деб ёзади Микунис, агрессия ва ҳужумга қарши, қўшинларнинг Миср территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетилиши учун курашни қўлда тутади.

Бен Гурион ҳукуматининг сиёсати барбод бўлиши сезилиб турганлиги муносабати билан, деб кўрсатади Микунис, Исроилда советларга қарши компания авж олдирилмоқда. «Булганин мактубининг мазмунини бузиб кўрсатмоқдалар ва у Исроил йўқ бўлиб кетади деб қўрқитмоқда дейдилар, ҳолбуки, СССР Исроилни шу хавф тўғрисида огоҳлантирмоқда».

Миср маъмурлари Англия, Франция ва Исроилнинг Миср аҳолисига етказган зарарларини аниқламоқдалар

ҚОҲИРА, 19 ноябрь. (ТАСС). Президент Носирнинг буйруғига мувофиқ, мамлакатнинг ҳамма вилоятларида ва губернаторликларида Англия, Франция ва Исроил агрессияси натижасида Миср аҳолисига етказилган зарарни аниқлаш учун комиссиялар тузилмоқда. Қоҳира губернатори Эль-Бендари 5 та шундай комиссия тузган. Бу комиссиялар уруш натижасида пойтахт аҳолисига етказилган зарарларнинг миқдорини аниқлашлари лозим.

ЛИВАННИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

БАЙРУТ, 19 ноябрь. (ТАСС). Расмий ахборотга мувофиқ, Сами Солиҳ Ливаннинг янги ҳукуматини қуйидаги составда тузган:

Сами Солиҳ — бош министр, ички ишлар министри, информация министри ва юстиция министри;

Шарл Малик — ташқи ишлар министри, чет элларда яшовчи ливанликларнинг ишлари министри, маориф министри;

Мажид Арслон — соғлиқни сақлаш министри ва қишлоқ хўжалик министри;

Муҳаммад Сабра — почта, телеграф ва телефон министри, жамоат ишлари министри ва планлаштириш масалалари министри;

Генерал Фуад Шаҳоб — миллий мудофаа министри;

Насри Малуф — миллий экономика министри, молия министри ва социал ишлар министри.

Иордания парламенти ташқи ишлар комиссиясининг қарори

ДАМАШҚ, 19 ноябрь. (ТАСС). Уммондан хабар берилишича, Иордания парламентининг ташқи ишлар комиссияси Англиянинг молиявий «ёрдами»дан воз кечиш ҳақида қарор қабул қилган.

Инглиз-француз интервентларининг Порт-Саиддаги бебошликлари

СТОКГОЛЬМ, 19 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда маълум бўлишича, интервентларнинг инглиз-француз қўшинлари бомбардировкалар натижасида вайрон бўлган Порт-Саид шаҳрига бостириб киришлари биланоқ, шаҳарда гитлерчилар оккупациясининг даҳшатларини эслатадиган мудҳиш ёвузликлар қилина бошлади. Солдатлар Сувайш канали Миср маъмуриятининг омборларини, таможняни, магазинларни ва мисрликларнинг хусусий квартираларини талашга киришдилар, шаҳарнинг бегуноҳ аҳолисини ўлдира бошладилар, хотин-қизларни зўрладилар. Интервентларнинг талончилик ва босқинчилиги ҳали ҳам давом этмоқда.

Интервентлар Порт-Саид аҳолисини беш кун давомида сувсиз ва электр қувватисиз қолдирдилар. Инглиз-француз қўшинлари томонидан Миср территориясидан ва бутун дунёдан ажратиб қўйилган бу шаҳар озиқ-овқатсиз қолди.

Инглиз-француз авиациясининг шаҳарни бомбардировка қилиши ва Англия ҳамда Франция ҳарбий-денгиз флоти корабларидан вахшийларча тўпга тутилиши натижасида Порт-Саидга жуда катта зарар етказилди, шаҳар аҳолиси зич бўлган кўп маҳаллалар тамомила вайрон қилинган. Минглаб киши вайрон қилинган биноларнинг тагида қолиб ҳалок бўлди. Ўн минглаб киши бошпанасиз қолди. Ярадорлар медицина ёрдами ололмасдан ўлиб кетмоқдалар. 60 мингга яқин киши шаҳардан қочиб кетган.

Инглиз-француз ҳарбий маъмурлари ярадорлар учун ҳамда шаҳарнинг зарар кўрган аҳолиси учун дори-дармон, озиқ-овқат, кийим-кечак олиб келган миср поездларини шу вақтгача Порт-Саидга киритмаётирлар.

Портда Англия ва Франциянинг дала қўшинларини тушириш давом этмоқда, қурол-яроғлар ва ўқ-дори туширилмоқда, фортификация ишлари олиб борилмоқда. Интервентлар афтидан, Порт-Саидда узоқ вақт қолиш ниятида бўлсалар керак. Бу ерда хабар қилинишича, Порт-Саидга ҳозирдаёқ Англия ва Франция дала қисмларининг 5 мингга яқин солдати келган.

Лекин инглиз-француз оккупантларнинг Порт-Саиддаги бебошлиги шонли миср ватанпарварларининг — ўз жонажон шаҳрини ҳимоя қилувчиларнинг руҳини тушира олмади. Аҳоли инглиз-француз оккупациячи маъмурларнинг тадбирларига бир кишидек бўлиб бойкот эълон қилмоқдалар, босқинчилар билан ҳамкорлик қилишдан бош тортмоқдалар. Ҳамма жойда инглиз-француз оккупантларга қаршилик кўрсатишга даъват этадиган варақалар ёпиштирилмоқда. Мисрликлар инглиз-француз қўмондонлигининг қурол-яроғларни топшириш ҳақидаги талабларига ҳам бўйсунмаётирлар.

Мустамлакачиларнинг замини бўшашиб кетмоқда. Миср халқи империалистик босқинчиларга қарши муқаддас курашни ҳар қандай қилиб бўлса ҳам пиравардигача давом эттиришга қатъий бел боғлаган. Кўп миллионлаб соф виждонли кишилар, жаҳондаги барча тинчликсевар халқлар мисрликлар томонидадир.

ПОРТ-САИД АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

ДАМАШҚ, 19 ноябрь. (ТАСС). Сурия Министрлар совети Порт-Саид аҳолисига ёрдам фондига 1,5 миллион сурия фунти ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/XI да **Чин муҳаббат**, 22 XI да **Гамлет**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/XI да **Фро Дьяволо**, 22/XI да **Марварид қидирувчилар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/XI да **Сингиллар қиссаси**, 22/XI да **Нурхон**.

КИНОТЕАТРЛАРДА.

«ИСКРА,» «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Фарзанд туғилди**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Етуклик аттестати**, кундуз соат 2 дан **Фарзанд туғилди**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Бугун

РСФСРда хизмат кўрсатган артист

ЮРИЙ ДУРОВ ГАСТРОЛЛАРИ

Билетлар ҳозирдан сотилмоқда. Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Хизматчи кўча, Жусола переулки, 7-уйда турувчи **Михаил Абахаевич Ароновнинг** шу уйда турувчи Дора Миеровна Бараева-Ароновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 7-участка халқ судида кўрилади.

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА

1957 ИИЛ УЧУН

обуна қилинади

ГАЗЕТАЛАР:

«Қизил Ўзбекистон»,
«Правда Востока»,
«Ўзбекистони сурх»,
«Тошкент ҳақиқати»,
«Ташкентская правда»,
«Совет Ўзбекистони маданияти»,
«Ёш ленинчи»,
«Комсомолец Узбекистана»,
«Ленин учқуни»,
«Пионер»,
«Шарқ юлдузи»,
«Звезда Востока»,
«Фан ҳақида суҳбатлар».
«Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутун иттифоқ ва Ўзбекистон жамиятларининг лекциялари»,
Рангли фотоплакатлар сериясн.

ЖУРНАЛЛАР:

«Ўзбекистон коммунисти»,
«Агитатор блокноти»,
«Блокнот агитатора»,
«Социалистик Ўзбекистон»,
«Муштум»,
«Ўзбекистон хотин-қизлари»,

Обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, алоқа конторалари, бўлимлари ва агентликларида, шунингдек колхоз, совхоз ва МТС, корхона, муассаса ва ўқув юртларидаги жамоат обуна вакиллари томонидан ҳар қанча нусхага қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТР ОЛЛЕЙБУС ТРЕСТИ

муассаса ва ташкилотларга билдирадики

шу йил 20 ноябрдан 20 декабргача трест кассасида

АБОНЕМЕНТ ТРАМВАЙ БИЛЕТЛАРИ АЛИШТИРИЛАДИ

Кўрсатилган муддатдан кейин эски билетлар бекор деб ҳисобланади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 07797. «Қизил Ўзбекистон», «Правда» Востока» ва Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1566.